

Ҳозирги ёшларнинг ёмони йўқ, кўнглига йўл топмаганимиз бор, холос

3-с.

Натижа ҳужжатларда эмас, инсон ҳаётидаги ижобий ўзгаришда

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2026 ЙИЛ
17 ОКТЯБРЬ,
ШАНБА

Mahalla

№84
(2412)

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БУЮРТМАЧИСИГА АЙЛАНАДИ

МАҲАЛЛА: ЯНГИ ДАВР, ЯНГИ ЁНДАШУВ

“15 ДАҚИҚАЛИК МАҲАЛЛА” — БУ ҚАНДАЙ ТАМОЙИЛ?

Тошкент маҳаллаларида “15 дақиқалик маҳалла” тамойилига асосланган янги тартиб йўлга қўйилади. Бу ҳақда жорий йил 14 октябрда давлатимиз раҳбарига пойтахт маҳаллаларини ободонлаштиришга қаратилган лойиҳалар тақдимотида қайд этилди.



Лойиҳа Яшнобод туманидаги **“Ватандош”, “Моҳинур”, “Тонг” ва Ал-Бухорий номидаги маҳаллалар** мисолида кўриб чиқилди.

“15 дақиқалик маҳалла” тамойилининг асосий мазмуни — инсоннинг кундалик эҳтиёжлари учун узоқ масофани босиб ўтишига зарурат қолдирмаслик. Бунинг учун савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт ҳамда дам олиш масканлари аҳоли учун қулай масофада жойлаштирилади.

Транспорт ва муҳандислик инфратузилмаси ҳам тўлиқ янгиланади. Автомобиллар учун ҳовлилардан ташқарида жойлар ташкил этиш, жамоат транспорти бекатларини янгилаш, пиёда ва велосипед йўлакларини қуриш кўзда тутилган. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, кафелар ҳамда аҳоли дам олиб, мулоқот қилиши учун жамоат жойлари барпо этилади.

Бу ишлар тўртта маҳалла билан чекланиб қолмайди. Белгиланган режага кўра, **2027 йилда пойтахтдаги 100 та, 2030 йилга қадар эса жами 400 та маҳалла** тўлиқ янгиланади. Бунда иссиқлик, ичимлик сув, канализация, электр энергияси, газ ва ёритиш тизимлари, кўп квартирали уйлар фасадлари, йўллар, йўлаклар ҳамда болалар ва спорт майдончалари қамраб олинади.

Янгиланишнинг яна бир муҳим йўналиши — аҳоли бандлиги ва даромад манбаларини кенгайтириш. 2027 йилда 100 та маҳаллада 22 мингта, 2030 йилга қадар эса 400 та маҳаллада жами 130 мингта янги иш ўрни яратиш мақсад қилинган.

7



Уйингиз қўшнингиз ҳовлисига соя солмаяптими?..

ОБОДЛИК ФАЛСАФАСИ

ЯНГИЛАНИШ НАФАСИ, БУНЁДКОРЛИК ШИДДАТИ:

Урганч маҳаллалари ободлик, фаровонлик ва тараққиёт сари юз тутмоқда



МАҲАЛЛАДАГИ ЎЗГАРИШНИ БАЪЗАН ОДАМЛАРНИНГ НИГОҲИДАН СЕЗИШ МУМКИН. КЕЧАГИНА ОДАТИЙ ҲОЛДЕК КЎРИНГАН КАМЧИЛИКЛАР БУГУН КЎЗГА ТАШЛАНАДИ, ШУНЧАКИ ҚАРАБ ЎТИБ КЕТИЛАДИГАН ЖОЙЛАР ОБОД ҚИЛИШ ИСТАГИНИ УЙҒОТАДИ, БИР КИШИНИНГ ТАШАББУСИ БОШҚАЛАРГА ҲАМ ДАЛДА БЕРАДИ. КИМДИР ҲОВЛИСИНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРИШГА КИРИШАДИ, КИМДИР КЎЧАСИНИНГ ОБОДЛИГИ ҲАҚИДА БОШ ҚОТИРАДИ.

Шу тариқа **ўзгариш, аввало, инсоннинг кўнглида бошланиб, аста-секин кўчага, маҳаллага кўчади.** Бунёдкорликнинг ҳақиқий кучи ҳам шунда — одамлар ўз ҳудудининг бугуни ва эртаси учун масъулиятни ҳис эта бошлайди. **Урганч туманидаги “оғир” тоифадаги маҳаллаларда** бугун бошланган жараёнларга шу нигоҳ билан қараш керак.

Айниқса, **“Қиёт” ва Мунис Хоразмий номидаги маҳаллаларда** гап фақат йўлларни тартибга келтириш, инфратузилмани яхшилаш ёки янги иншоотлар қуриш ҳақида бораётгани йўқ. Бу ерда маҳалланинг бугунги ҳолатидан эртанги қиёфасигача бўлган масофани босиб ўтишга ҳаракат бошланган.

Илгари муаммолари билан тилга олинган ҳудудларда энди **бунёдкорлик, ташаббус ва янгиланиш руҳи** кўзга ташланмоқда. Эътиборлиси, бу жараён одамларнинг ўз маҳалласига бўлган муносабатида ҳам акс этаётир: ободликни кутишдан уни яратишга, ўзгаришни кузатишдан унда иштирок этишга ўтиш бошланди. **Ўзгаришларни одамлар ҳар бир хонадон, ҳар бир кўча ва бутун маҳалла тақдирига дахлдор вазифа сифатида кўра бошлади.**

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

Хавф сояси тушмасидан аввал тўсиқ муқаррар!

Маҳалламиз шаҳар марказида жойлашган. Ҳудудимизда олий таълим муассасалари, талабалар тураржойлари, савдо ва хизмат кўрсатиш марказлари кўп. Одамлар қатнови гавжум бўлган бундай ҳудудда хавфсизлик масаласи доимо биринчи ўринда туради. Шу боис биз учун асосий вазифа — аҳоли ва ҳудуд меҳмонлари учун осойишта муҳит яратишдир.

5-с.

Илоннинг боши қаерда?

Маҳалла, қўни-қўшни, мактаб ва боғча жамоаси боланинг хулқидаги кескин ўзгаришни сезиши ва бефарқ қолмаслиги лозим. Янги қонун бу йўлни ҳам очиб берди. Энди хотин-қизлар ва болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳақида мурожаат қилган шахс ўзига жавоб хати юборилмаслигини сўраши мумкин. Бу оила ичидаги зўравонлик ҳақида хабар бераётган қўшни ёки қариндошни ортиқча хавфдан асрайди.

6-с.

Фойдаланилмаган хизмат учун қарздорлик нега керак?

Асоссиз қарздорлик инсоннинг нафақат чўнтагига, балки кайфияти ва коммунал хизматларга бўлган ишончига ҳам таъсир қилади. Кимдир тўловни тўғри деб ўйлаб, қарзини тўлаб қўяди, бошқаси эса ҳақлигини исботлаш учун вақт сарфлайди. Шундай экан, қарздорлик қайта ҳисобланган билан масала тўлиқ ҳал бўлдими?

7-с.

БИЗНИ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА КУЗАТИНГ!

@mahalla_raislari
@mahalladosh_1
@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»ига ўтиш учун QR-кодни сканерланг!

ТЎЙ ВА МАРОСИМНИ ИХЧАМЛАШТИРИШ, БУ — ҚАДРИЯТДАН ВОЗ КЕЧИШ ДЕГАНИ ЭМАС

Бу жараёнда маҳалла раиси қандай чораларни кўриши керак, оилалар билан ишлашда қайси жиҳатларга эътибор қаратмоқ лозим?

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида “маҳалла еттилиги” аъзолари учун ўқув-семинарлар ташкил этиляпти.



Семинарларда **маҳалла ишини самарали ташкил этиш, аҳоли билан ишлашда ҳар бир масъулнинг ўрни ва вазифаси** ҳақида сўз бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг маҳалла тизимини ривожлантиришга оид **фармон ва қарорлари, ҳудудларга ташрифлари** чоғида берган топшириқлари ҳамда **маърузаларида илгари сурилган ташаббуслар** ҳаётий мисоллар асосида тушунтириляпти. Шунингдек, **оиладаги тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, тўй ва маъракаларни тартибга солиш, экологик маданиятни ошириш, гиёҳвандликка қарши курашиш** каби маҳалла ҳаётида муҳим ўрин тутадиган масалалар муҳокама қилинмоқда.

Айниқса, тўйлар ва оилавий маросимлар ҳақидаги суҳбатлар семинарларда қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётир. **Зеро, бу мавзу ҳар бир хонадонга, ҳар бир оилага дахлдор.** Анъаналарни асраб, ортиқча сарф-харажат ва дабдабанинг олдини олиш, энг муҳими, тўйни оилалар учун қувонч манбаи бўлиб қолишини таъминлаш — бугун маҳалла олдида турган муҳим вазифалардан бири.

8



Ишонч ва орзу ортидаги хавф



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ёқилғи-энергетика сармоядорлари билан очиқ мулоқот ўтказди.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИ ҳамда Халқ қабулхонаси масъуллари Яккасарой ва Миробод туманларидаги маҳаллаларда ўрганиш ишларини олиб борди.



Тошкент вилояти туман ва шаҳарларида “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” АЪЗОЛАРИ УЧУН ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

ОБОДЛИК ФАЛСАФАСИ

ЯНГИЛАНИШ НАФАСИ, БУНЁДКОРЛИК ШИДДАТИ:

Урганч маҳаллалари ободлик, фаровонлик ва тараққиёт сари юз тутмоқда

ЎЗГАРИШЛАР КУТИШДАН ЭМАС, ҲАРАКАТДАН БОШЛАНДИ

“Қиёт” маҳалласидаги бугунги жараёнларга бир жиҳатдан қараш мумкин: *инфратузилма билан боғлиқ масалаларнинг бир қисми дастурлар орқали ҳал этилса, яна бир қисми аҳолининг ўзида ташаббус ва масъулият уйғонишига боғлиқ. Чунки кўчани обод қилиш учун маблағ зарур, аммо бошланган ишни давом эттириш, яратилган қулайликни асраш ва умумий мулкка эътибор билан қараш одамларнинг муносабатига ҳам тақалади.*



Урганч туманидаги мазкур маҳалла инфратузилма муаммолари сабаб “оғир” тоифадаги ҳудудлар қаторига киритилган эди. Кўчаларнинг ҳолати, пиёдалар ҳаракати учун хавфсиз шароит, тунги ёритиш ва жамоат жойларининг ободлиги ечимини кутаётган масалалар сирасида. Маҳалланинг инфратузилмасини яхшилаш ишлари 2027 йилги дастурга киритилган. Бироқ режадаги муддатни кутиш оралиғида ҳам бажариш мумкин бўлган ишлар бор. “Қиёт”да айнан шу имкониятлардан фойдаланишга киришилган.

Маҳалла раиси ва “еттилик” аъзолари кўчама-кўча, хонадонма-хонадон юриб, мавжуд камчиликларни ўрганиш, аҳолини ободонлаштириш ишларига жалб қилишга эътибор қаратмоқда. Бунинг аҳамияти шундаки, муаммони аниқлаш унинг ечимини топишдаги биринчи қадам бўлса, уни бартараф этишга одамларни жалб қилиш натижанинг барқарорлигини таъминлайди. Хонадон олдидаги озодаликдан тортиб, кўчадаги тартиб ва жамоат мулкига муносабатгача бўлган масалалар ҳам шу жараённинг бир қисми.

“Қиёт” аҳолисининг “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида уч марта ғолиб бўлгани ҳам эътиборга молик. Бу натижа умумий мақсад атрофида бирлашиш ва маҳалладаги муаммоларни ҳал этишда фуқаролар фаоллигининг аҳамиятини кўрсатади.

— Маҳалладаги ўзгаришларнинг энг қувонарли жиҳати — одамларимиз ҳам бу жараёнга қўшилаётганидир, ***— дейди “Қиёт” маҳалласи раиси Улуғбек Қурбонов****. — Кўчаларни обод қилиш, ҳашарларда қатнашиш, умумий жойларни тартибга келтиришда аҳолининг фаоллиги бизга куч беради. “Ташаббусли бюджет”да уч марта голиб бўлганимиз ҳам бирлашсак, кўп масалаларни ҳал қилишимиз мумкинлигини кўрсатди. Энди шу ҳамжиҳатликни кундалик ишларимизда давом эттириш муҳим. Гужумзор кўчасида уч километр масофада пиёдалар йўлагини қуришни бошлаганимизда ҳам ҳашар ва ҳомийлар кўмагига таяндик. Чунки одамлар ўзлари ҳисса қўшган жойни бошқача қадрлайди, уни асрашга ҳам интилади.*

Маҳалладаги ободонлаштириш ишлари биргина йўлак қурилиши билан чекланмаяпти. Уйларнинг ташқи кўриниши тартибга келтирилмоқда, ариқлар тозаланиб, кўча бўйидаги дарахт ва гулларга шакл бериляпти. Жамоат жойлари, ижтимоий соҳа объектлари ва тадбиркорлик субъектлари атрофини озода сақлашга эътибор қаратилмоқда.

Маҳалла идораси атрофида режалаштирилган ишлар эса ҳудуднинг жамоатчилик учун мўлжалланган қисмини ҳам янгилашга қаратилган. Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағлари ҳисобига идора биноси қайта таъмирланиб, замонавий қиёфага келтириляпти. Бино олдидаги 300 квадрат метр майдонни ободонлаштириш, бу ерда мўъжаз боғ барпо этиш ва Янги Ўзбекистон ҳамда маҳалла тарихини акс эттирувчи монумент ўрнатиш режалаштирилган.

Кейинги босқичда кўчаларни тунги ёритиш, трансформатор ва бетон устунлар ўрнатиш ишлари кўзда тутилган. Бу вазифаларнинг бажарилиши мавжуд инфратузилма муаммоларини босқичма-босқич ҳал этишга хизмат қилади.

“Қиёт” мисолида муҳим жиҳат шуки, маҳалланинг ўзгариши бир вақтнинг ўзида бир неча йўналишда кечмоқда: аҳоли ташаббуси билан бажариш мумкин бўлган ишлар бошланган, ҳудуднинг инфратузилмасини яхшилаш бўйича кейинги вазифалар белгиланган. Энди бу жараённинг самараси бу ишларнинг якунига етказилиши, аҳоли учун ҳақиқий қулайлик яратиши ва эришилган натижаларнинг сақланиши билан ўлчанади.

ХОНАДОН ФАРОВОНЛИГИ МАҲАЛЛА ҚИЁФАСИДА АКС ЭТАДИ

Урганч туманидаги Мунис Хоразмий номидаги маҳаллада *545 та хонадоннинг 401 таси шоли етиштириш билан шуғулланади. Бу рақам ҳудуд аҳолисининг асосий меҳнат тажрибаси ва даромад манбаи қайси соҳа билан боғлиқлигини кўрсатади.*

Маҳаллада “Сайхунобод тажрибаси” асосида оилаларга қўшимча даромад манбаларини яратиш, ишсиз фуқароларни меҳнатга жалб қилиш ва камбағалликни қисқартириш чоралари кўрилмоқда. Бунинг учун ҳар бир хонадоннинг имконияти алоҳида ўрганилиб, мавжуд шароитдан келиб чиқиб, даромадни кўпайтириш йўллари белгиланяпти.

Мунис Хоразмий кўчасида яшовчи Абдушариф Раҳмонов хонадонидаги ўзгаришлар бунга мисол бўла олади. Илгари унинг 18 сотих ери ва чорваси бўлиб, йиллик даромади 7 миллион сўм атрофида эди. Кейинчалик хўжалик имкониятларидан фойдаланиш усули ўзгарди: бир сотих майдонда лимон етиштириш, яна бир сотихлик иссиқхонада кўкат парваришлаш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, 20 та товуқ ва 9 қути асалари боқиши бошланди. Натижада хонадоннинг йиллик даромади 117,8 миллион сўмга етди.



Маҳалладаги ёндашув хонадонлар билан чекланмаяпти. Кўчаларни мавжуд салоҳият ва шароитдан келиб чиқиб ихтисослаштиришга ҳам эътибор қаратилмоқда. Мунис Хоразмий кўчасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, Дўстлик кўчасида эса тикувчиликни кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. Бу йўналишларда тадбиркорликни ривожлантириш учун 1 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилган. “Маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижасида 177 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланган.

Маҳалла раиси таъкидлаганидек, иқтисодий ўзгаришларнинг замирида аҳолининг ўз имкониятларига бўлган ишончи ва умумий ишга қўшилаётган ҳиссаси турибди.

— Маҳалламизда кўпчилик оила шоличилик билан шуғулланади, — ***дейди Мунис Хоразмий номидаги маҳалла раиси Шерзод Отажонов.*** *— Бу — одамларимиз яхши биладиган, йиллар давомида тажриба тўплаган соҳа. Лекин хонадоннинг имконияти фақат шоли етиштириш билан чекланиб қолмаслиги керак. Биз ҳар бир ошлага тайёр ечимни таклиф қилишдан кўра, унинг имкониятини ўрганиб, даромадини ошириш йўлини топишга кўмаклашишга ҳаракат қиляпмиз. Одамлар ўз меҳнати билан натижага эришганини кўрса, янги ишларни бошлашга ҳам ишончи ортади. Маҳалламиздаги ўзгаришлар ҳам шу ишонч ва ҳамкорликка таянади.*

Иқтисодий фаолликни ошириш билан бирга, маҳалланинг инфратузилмасини яхшилаш ҳам долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Ички йўлларнинг таъмирталаблиги, электр тармоқларининг эскиргани ва айрим ҳудудларда кучланишнинг етарли эмаслиги аҳоли учун қатор ноқулайликлар туғдирган. Айниқса, 46- ва 11-мактабларга қатнайдиган ўқувчилар учун хавфсиз пиёдалар йўлагининг зарурати мавжуд эди. Шу каби муаммолар инобатга олиниб, маҳалла “оғир” тоифадаги ҳудудлар қаторига киритилган ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Бугун маҳаллада ободонлаштириш ишларига киришилган. Кўчалар бўйидаги деворлар тартибга келтирилиб, дарахт ва гулларга шакл берилган, бегона ўтлар ўрилиб, чиқиндилар олиб чиқилган. Бу ишлар аҳоли иштироки ва ҳашарлар орқали амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, Мунис Хоразмий кўчаси бўйлаб 850 метр пиёдалар йўлагини қуриш, 1 200 метр ички йўлни асфальтлаш, қўшимча трансформатор ва бетон электр устунларини ўрнатиш саъй-ҳаракатлари бошланган.

Кейинги босқичда **Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси** маблағлари ҳисобидан кўчаларга ёритиш тизимини ўрнатиш, маҳалла биносига қуёш панеллари жойлаштириш режалаштирилган. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Мунис Хоразмий, Дўстлик, Нукус, Соҳибкор ва Алтинсарин кўчаларига 8 мингдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилади. “Обод хонадон” мезонлари асосида таъмирга муҳтож, эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойларини яхшилашга ҳам кўмаклашилади.

Маҳалла олдига жорий йилнинг тўртинчи чораги якунига қадар ишсизлик, камбағаллик, оилавий ажралишлар, миграция ва жиноятчиликдан холи ҳудудга айланиш мақсади қўйилган.

Мунис Хоразмий номидаги маҳалла тажрибасида эътиборга лойиқ жиҳат — мавжуд меҳнат тажрибасини янги даромад манбалари билан бойитиш, кўчалар иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш ва инфратузилма муаммоларини босқичма-босқич ҳал этишга уриниш бор. Энди бу йўналишлардаги натижаларнинг барқарорлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

***

“Қиёт” ва Мунис Хоразмий номидаги маҳаллаларда кечаётган жараёнлар бир ҳақиқатни кўрсатмоқда: ҳудуднинг бугунини ўзгартириш учун мавжуд муаммоларни тан олишнинг ўзи камлик қилади, уларни ҳал этишга куч, имконият ва одамлар иродасини бирлаштириш керак. Бир маҳаллада ободонлаштириш, хавфсиз йўлаклар ва инфратузилма масалаларига ечим изланаётган бўлса, иккинчисида хонадонлар даромадини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва яшаш муҳитини яхшилаш бир-бирига уйғун олиб бориляпти. Йўналишлар турлича, аммо мақсад муштарак — одамлар ўзгаришни кутиб яшайдиган эмас, унинг иштирокчисига айланадиган муҳитни шакллантириш.

Рустам Юсупов тайёрлади.

ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУВОР

ТЎЙ ВА МАРОСИМНИ ИХЧАМЛАШТИРИШ, БУ — ҚАДРИЯТДАН ВОЗ КЕЧИШ ДЕГАНИ ЭМАС

Бу жараёнда маҳалла раиси қандай чораларни кўриши керак, оилалар билан ишлашда қайси жиҳатларга эътибор қаратмоқ лозим?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Мансур БЕКМУРОДОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳузуридаги “Маҳалла академияси” директори вазифасини бажарувчи.

ҚОИДА АЛБАТТА, ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ ЗАРУР

Бугун тўй ва оилавий маросимларни оила имкониятидан ортиқ харажатлар билан ўтказиш айрим хонадонларни қарздорликка олиб келмоқда. Тўй бир кун давом этади, унинг учун олинган қарз эса йиллаб оиланинг елкасида қолиши мумкин.

Жадид боболаримиз ҳам бу масалага бефарқ қарамаган. Жумладан, **Исҳоқхон Ибрат 1914 йилда чоп этилган “Тўрақўрғондан хат” мақоласида** тўй, худойи, улоқ ва аза маросимларидаги беҳуда сарф-харажатларни танқид қилган, қарздорликнинг сабабларидан бири сифатида исрофгарчиликни кўрсатган. Жадидлар тўйга сарфланаётган маблағларнинг бир қисмини **фарзандлар таълими, мактаб-мадрасаларни обод қилиш ва хайрия ишларига йўналтириш** зарурлигини ҳам таъкидлаганлар.

Орадан бир асрдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, бу масала ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. **Бугун ҳам тўй учун сарфланадиган маблағ оиланинг имкониятига мос бўлиши, маросимдан кейин хонадон қарз ташвишига тушиб қолмаслиги муҳим.** Бунинг учун эса тушунтиришни тўй кунида эмас, оила маросимни режалаштираётган пайтда бошлаш керак.

Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг 2019 йил 14 сентябрдаги қўшма қарори билан тасдиқланган **“Тўйлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида”ги Низомда** маросимларни ўтказиш тартиби ва тегишли талаблар белгиланган. Жумладан, тадбирларни ўтказиш вақти, иштирокчилар сони, ортиқча расм-русумларга йўл қўймаслик масалалари қамраб олинган.

Маҳалла раиси учун бу талабларни билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Муҳими, уларни аҳолига тушунтириш ва амалда бажарилишига кўмаклашишдир. Аввало, **раис ўз ҳудудида яқин кунларда ўтказилиши режалаштирилган тўй ва маросимлар ҳақида белгиланган тартибда хабардор бўлиб бориши керак.** Бу жараёнда тадбир санаси, тури ва ўтказиладиган жойи каби амалий маълумотлар тушунтириш ишларини ўз вақтида ташкил этишга ёрдам беради.

ТЎЙДАН ОЛДИНГИ СУҲБАТ — ЭНГ МУҲИМ ҚАДАМ

Тўйга тайёргарлик бошланганида оила билан ўтказиладиган қисқа ва самимий суҳбат кўплаб ортиқча харажатларнинг олдини олиши мумкин. Бунинг учун раис хонадонга фақат талаб қўйиш ёки қоидаларни санаб бериш учун бормаслиги керак. У оиланинг режасини тинглаши, эҳтимолий муаммоларни аниқлаши ва мақбул ечим таклиф қилиши лозим.

Суҳбат давомида қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш фойдали:

- ***Харажатларни олдиндан ҳисоблаш.*** *Оила режалаштирган сарф-харажатларни ўз имконияти билан таққослаб кўриши, зарур бўлса, ортиқча бандларни қисқартириши керак.*
- ***Меҳмонлар сонини мақбул белгилаш.*** *Маросимнинг кўлами хонадоннинг шароити ва имкониятига мос бўлиши лозим.*
- ***Урф-одат билан ортиқча расм-русумни фарқлаш.*** *Миллий анъананинг мазмунини сақлаган ҳолда, фақат одамлар нима дейишидан қўрқиб қилинаётган ортиқча харажатлардан воз кечиш мумкин.*
- ***Қарз олиш оқибатини ҳисобга олиш.*** *Тўй учун олинган қарзнинг кейинги ойларда оиланинг озиқ-овқат, таълим, даволаниш ва бошқа зарур эҳтиёжларига қандай таъсир қилишини ўйлаб кўриш керак.*
- ***Маросим тартибини олдиндан келишиб олиш.*** *Тадбирнинг вақти, иштирокчилар сони ва бошқа талаблар бўйича Низомда белгиланган қоидалар тушунтирилиши зарур.*

Бу суҳбатда раиснинг асосий вазифаси оиланинг ўз имкониятини тўғри баҳолашига ёрдам беришдир. Масалан, хонадон эгаси меҳмонлар сонини ошириш ниятида бўлса, раис унга бунинг қўшимча харажатларини ҳисоблаб кўришни таклиф қилиши мумкин. Келишувга эришиш учун баъзан бир нечта ортиқча тадбирдан воз кечиш ёки дастурхонни соддароқ ташкил этишнинг ўзи кифоя қилади.



“ЕТТИЛИК” ЧЕТДА ТУРМАСЛИГИ КЕРАК

Тўй ва маросимлар билан боғлиқ масалаларни фақат маҳалла раисига юклаш тўғри эмас. “Маҳалла еттилиги” аъзолари ўз вазифалари доирасида ҳамкорлик қилса, муаммони эртароқ аниқлаш ва оилага мақбул ёрдам кўрсатиш имкони ортади.

Хотин-қизлар фаоли оилалар билан мулоқотда маросимлар туфайли юзага келиши мумкин бўлган келишмовчиликлар, айниқса, келин-куёв ёки яқин қариндошлар ўртасидаги босим ва тортишувларга эътибор қаратиши мумкин. **Ижтимоий ходим** муҳтож оилалардаги ҳолатни ўз ваколати доирасида ўрганиб, зарур ёрдам чораларини белгилашда иштирок этади. **Ёшлар етакчиси** эса йигит-қизларнинг оилавий ҳаётга масъулият билан қараши, тўйни қарз ва мусобақага айлантирмаслиги ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориши мумкин.

Нуронийлар, фаол отахон ва онахонлар, маҳаллада ҳурмат қозонган фуқароларнинг иштироки ҳам муҳим. **Чунки баъзан расмий тушунтиришдан кўра, ҳаёт тажрибасига асосланган самимий маслаҳат кўпроқ таъсир қилади.** Айниқса, тўйни ихчам ўтказиб, кейинги ҳаётини қарзсиз ва хотиржам давом эттираётган оилалар тажрибасини бошқаларга етказиш фойдали.

ҚОИДАБУЗАРЛИК АНИҚЛАНСА, ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТИШ КЕРАК?

Маҳалла раисига маросимларни тартибга солиш вазифаси юклатилгани унга қонунчиликда назарда тутилмаган жазо чораларини мустақил қўллаш ҳуқуқини бермайди. Шунинг учун аниқланган ҳар бир ҳолатда, аввало, қоидабузарликнинг мазмуни ва раиснинг ваколатига аниқлик киритиш зарур.

Агар маросимни ташкил этишда белгиланган талаблар бузилиши мумкинлиги аниқланса, раис масъуллар билан боғланиб, оилага тегишли талабларни тушунтиради ва муаммони қонуний йўл билан ҳал қилишга ҳаракат қилади. Қоидабузарлик содир этилган бўлса, ҳолатни белгиланган тартибда қайд этиш ҳамда зарур материалларни ваколатли органларга тақдим қилиш масаласи кўриб чиқилади. Жавобгарлик чорасини эса фақат ваколатли орган қонунчиликда белгиланган тартибда қўллаши мумкин.

Бунда икки жиҳатга алоҳида эътибор бериш керак. **Биринчиси**, қоидабузарликка кўз юмиб, “ўзимизники”, деган ёндашувга йўл қўймаслик. **Иккинчиси**, аҳоли билан муносабатда қўполлик, асоссиз босим усулларидан фойдаланмаслик. Қонунийлик ҳам, фуқаронинг шаъни ва қадр-қимматига ҳурмат ҳам бирдек муҳим.

***

Хулоса шуки, маҳалла раиси тўй ва маросимларни тартибга солишда қоидани билиши, оила билан ўз вақтида мулоқот қилиши, “маҳалла еттилиги” аъзоларини ҳамкорликка жалб этиши ва зарур ҳолларда ваколатли идоралар билан иш олиб бориши керак. Энг муҳими, у ҳар бир хонадондаги тўйни оила манфаатини асраш ва жамоатчилик маданиятини юксалтириш имконияти сифатида кўра билиши лозим. Зеро, тўйнинг қиймати оилага олиб келган қувонч, яқинларнинг дуоси ва ундан кейинги ҳаётнинг хотиржамлиги билан ўлчанади.



ЗАРАФШОН ШАҲРИДАГИ “ЯНГИ ЗАРАФШОН” МАҲАЛЛАСИДА сайёр қабул ва меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.



“БЕШ ТАШАББУС ОЛИМПИАДАСИ” доирасида ҳудудларда “Замонавий касблар” танловининг саралаш босқичлари ўтказилди.



“ТУРКИЙ ДУНЁ ЁШЛАР ПОЙТАХТИ — 2026” лойиҳаси доирасида Хива шаҳрида Ёш тадбиркорлар ва Ёш етакчилар форумлари ташкил этилди.

Mahalla

№84

2026 ЙИЛ
17 ОКТЯБРЬ,
ШАНБА

Ҳоким ёрдамчиси институти самарадорлигини ошириш учун идоралараро ҳамкорликни янада кучайтириш зарур

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

“УЯС”ДАН ЎРГАНСА АРЗИЙДИ:

“БУЛҒОР ҚИШЛОҚ”ДА БАНДЛИК, ДАРОМАД ВА ЭКСПОРТ БИР ЗАНЖИРГА БОҒЛАНГАН

Маҳалламиздаги 915 та хўжаликнинг қарийб 700 таси иссиқхоначилик билан шуғулланади. Асосий маҳсулот — булғор қалампири. Ҳар бир оила шу фаолият орқали йилига 120-150 миллион сўм қўшимча даромад топади. Иссиқхоналарнинг майдони 5 сотихдан 30-35 сотихгача. Шу боис ҳудудимиз “Уяс” номи билан бирга “Булғор қишлоқ” деб ҳам аталади.

Ўрол ХОЛИҚОВ,
Қумқўрғон туманидаги “Уяс” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси вазифасини бажарувчи.



Маҳалламизда ишсизлик деярли йўқ. Бунга табиий шароит — сувнинг мўллиги ва тупроқ унумдорлиги ҳам қўл келади. Булғор қалампирини экиш, чопиқ қилиш, ҳосилни териш ва юк машиналарига ортиш ишларига қараб, иссиқхоналарда кунига 15 нафардан 50 нафаргача йигит-қиз меҳнат қилади. Энг муҳими, аҳоли ўз ҳудудида, ўз хонадони ва ерида даромад топиш имконига эга.

2026 йил давомида маҳалламизда 1 миллиард сўмдан зиёд кредит ажратилишига кўмаклашдик. Маблағларнинг 90 фоиздан ортиғи иссиқхоначиликка йўналтирилди. Масалан, Ихтиёр Норқулов 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, иссиқхонасини кенгайтирди. Ҳозир у ерда булғор қалампири етиштириб, ҳафтасига 8-9 миллион сўм даромад топмоқда. Унинг навбатдаги мақсади — ҳовлисидаги бўш ерда яна бир иссиқхона ташкил этиб, бошқа турдаги маҳсулотлар етиштириш.

Шамсиддин Мўминов эса 60 сотих майдонда иссиқхона ташкил этди. Бунинг учун унга 200 миллион сўм кредит ажратилишига ёрдам бердик. У фаолиятини иссиқхоначилик билан чекламай, аукцион орқали ер олиб, дала деҳқончилигини ҳам йўлга қўйди. Шу кунгача 32 тонна булғор қалампири ва 50 тонна карамни хорижга экспорт қилди. Бундан ташқари, 15 тонна булғор қалампири ҳамда 50 тонна пиёзни маҳаллий бозорларга етказиб берди. Даромади ҳам шунга яраша салмоқли.

Эришилаётган натижалар ҳудудда ишни маҳаллий шароит ва аҳоли имкониятларидан келиб чиқиб ташкил этиш қанчалик муҳимлигини кўрсатмоқда. Атрофимизда 60 та маҳалла бор. Президентимиз эътироф этган “Қамаши”, “Ғиждувон” ва “Уйчи” тажрибалари қаторида бизда ҳам ўзига хос “Уяс тажрибаси” шаклланди. Вилоятдаги 724 та маҳалла орасидан тажрибамиз алоҳида намуна сифатида танлаб олинди. “Томорқа мактаби” ҳудудида уни амалиётда намойиш этиш учун махсус ер ажратилди. Бу ерда булғор қалампирининг янги нави етиштирилди.

Тажрибамизнинг яна бир муҳим жиҳати — маҳсулотни етиштириш билан бирга, уни йиғиш, ташиш ва бозорга чиқариш жараёнларини ҳам хонадонлар даражасида ташкил этганимиздир.

Иссиқхоналарда булғор қалампири пишиб етилгач, илғор хонадон эгалари билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Маҳсулотни олиб кетиш учун келган юк машиналарини бевосита хонадонларга йўналтирдик. Натижада ҳосилни ортиш ва ташиш жараёни осонлашди, мавсумий ишчилар — маҳалламиз йигит-қизлари учун соя-салқин, қулай меҳнат шароити яратилди. Шу тариқа маҳсулотни йиғиш ва ташиш билан боғлиқ айрим логистика ишлари хонадонларнинг ўзида ташкил этилди. Ҳудудимизда меҳнат миграциясига кетганлар сонининг бошқа йиғинларга нисбатан камлигида ҳам маҳаллий бандлик имкониятларининг ўрни бор.

Камбағалликни қисқартиришда ҳам шу ёндашувга таянамиз. Йил бошида маҳалламизда камбағал оилалар тоифасига киритилган 21 та хонадоннинг ҳар бири учун индивидуал режа ишлаб чиқилди ва масъуллар бириктирилди. Оилалар иссиқхоначилик, картошка ҳамда лимон етиштиришга жалб қилинди. Бунинг учун зарур субсидия ва ссудалар ажратилишига кўмаклашилди. Бугун уларнинг аксарияти даромадли меҳнат билан банд.

Фаолиятимиздан келиб чиқиб, бир нечта таклифни билдирмоқчиман.

Биринчидан, ҳоким ёрдамчиси институти самарадорлигини ошириш учун **идоралараро ҳамкорликни янада кучайтириш зарур.** Ҳокимнинг маҳалладаги ваколатли вакили ўз ҳудудидаги муаммоларни тезкор ҳал этиши учун банк, солиқ, бандлик ва бошқа ташкилотлар ҳоким ёрдамчисининг қонуний сўровларига устувор вазифа сифатида қараши лозим. Маҳаллада аниқланган муаммо тегишли идорага етказилганидан кейин унинг ижроси ва натижаси ҳам тизимли назорат қилиниши керак.

Иккинчидан, маҳаллада етиштирилаётган маҳсулотни **чуқур қайта ишлаш ва сақлаш имкониятларини кенгайтириш** зарур. Бунинг учун тегишли молиявий ресурслар, имтиёзли шартлар ва амалий кўмак берилса, ҳудудимизда қайта ишлаш қувватларини ташкил этиш, замонавий музлаткичлар сонини кўпайтириш мумкин. Шунда маҳсулотни ҳосил мавсумида арзон сотиб юбориш ўрнига, сифатини сақлаган ҳолда керакли вақтда ва ташқи бозорлар талабларига мос нархларда сотиш имконияти пайдо бўлади.

Бизнинг мақсадимиз фақат кўпроқ маҳсулот етиштириш билан чекланмайди. Уни қайта ишлаш, сақлаш ва юқори қўшилган қиймат билан сотишни ҳам йўлга қўйиш керак. Шунда “Уяс тажрибаси” янги иш ўринлари ва оилавий даромадларни кўпайтириши билан бирга, маҳалланинг иқтисодий салоҳиятини янада оширади.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Ҳозирги ёшларнинг ёмони йўқ, кўнглига йўл топмаганимиз бор, холос

Бундан тўрт йил аввал маҳаллада ёшлар етакчиси сифатида иш бошлаганимда, вазифамни, асосан, ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларни турли лойиҳаларга жалб қилишдан иборат, деб билардим. Мутахассислигим педагог бўлгани учун йигит-қизлар билан тил топишиш менга қийинчилик туғдирмайди, деб ўйлаганман.



Озодахон ҲОТАМОВА,
Қизилтепа туманидаги “Ғамхўр” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Аммо вақт ўтиб англадимки, етакчилик фақат билим ва тажриба эмас, балки ёшларни тушуниш, ишончини қозониш, керак пайтда уларга суянчиқ бўлишни ҳам талаб қилар экан. Бугун ўзим фаолият юритаётган “Ғамхўр” маҳалласида 585 нафар йигит-қиз билан ишлашда шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратяпман.

Ҳар бирининг ўз орзуси, қизиқиши ва ташвиши бор. Кимдир ҳунар ўрганишни истайди, аммо қаердан бошлашни билмайди. Бошқа бировида яхши ғоя бор, лекин уни амалга оширишга журъати етмайди. Шу боис “Ёшлар баланси”ни шакллантиришда фақат маълумот тўплаш билан чекланмай, ҳар бир ёшнинг оилавий шароити, қизиқиши ва имкониятларини ўрганишга ҳаракат қиламан. Чунки рўйхатдаги ҳар бир исм ортида алоҳида тақдир бор.

Кузатишларим асосида айтиш мумкинки, ёшларнинг ёмони бўлмайди, фақат айримлари ҳаётда ўз йўлини топишга қийналади. Бундай пайтда танқид қилишдан кўра, унга ишонч билдириш, қобилиятига мос иш топишга кўмаклашиш самаралироқ. Масалан, маҳалламиздаги Сирожиддин Ҳакимов сартарошликни йўлга қўйиб, бугун шогирдларга ҳам ҳунар ўргатмоқда. Озодбек Қўлдошев тошга ишлов бериш цехини очиб, уч нафар ёшни иш билан таъминлади. Рушана Азимова эса тикувчилик фаолиятини бошлади. Уларнинг муваффақияти мен учун алоҳида қувонч.

Жорий йилда маҳалламизда аниқланган 26 нафар ишсиз ёшнинг бандлиги таъминланди. Айримлари касб-ҳунарга ўқитилди, бошқалари ишга жойлаштирилди, тадбиркорликка қизиққанларига имтиёзли кредит олишда кўмаклашилди. “Ёшлар дафтари” орқали эҳтиёжмандларга амалий ёрдам кўрсатилди. Бироқ мен учун асосийси ёшларнинг ўз меҳнати билан мустақил ҳаёт кечиришидир. Шунинг учун уларнинг кейинги фаолияти билан ҳам қизиқиб тураман.

Айниқса, битирувчилар билан ишлашда масъулиятни чуқур ҳис қиламан. Чунки мактабни тугатиш ҳар бир ёш ҳаётидаги муҳим бурилиш нуқтаси. Кимдир олий таълимга киришни, бошқаси касб эгаллашни истайди. Уларни бир йўналишга мажбуран бошлаш эмас, балки имкониятларини тўғри баҳолашга кўмаклашиш муҳим. Шу мақсадда битирувчиларнинг қизиқишлари ўрганилиб, таълим олиши ва бандлигини таъминлашга эътибор қаратилди.

Фаолиятимда энг кўп ўйлантирадиган масалалардан бири — эътиборга муҳтож ёшлар тақдири. Баъзан уларга моддий ёрдамдан ҳам кўра, дардини тинглайдиган, тушунадиган инсон кераклигини ҳис қиламан. Айрим йигит-қизлар яқинларига айтолмаган гапларини мен билан ўртоқлашади. Шундай пайтларда уларни шоширмасдан тинглашга ҳаракат қиламан. Чунки ишончни қозониш қийин, йўқотиш эса осон.

Маҳалламизда жамоат ишларида фаол, юрт тинчлигига бефарқ бўлмаган ёшлар ҳам кўп. Уларнинг ҳамжиҳатлиги ва жамоатчилик билан ҳамкорлигимиз туфайли маҳалламиз икки йилдан буён жиноятчилик қайд этилмаган “яшил” маҳаллалар қаторидан жой олмоқда.

Ортга назар ташласам, тўрт йил давомида ўзим ҳам кўп нарсани ўрганибман. Аввалари яхши етакчи бўлишни кўпроқ натижа кўрсатишда деб билган бўлсам, бугун ҳар бир ишнинг инсон ҳаётида қандай ўзгариш ясагани муҳимлигини тушунаман.

ИМКОНИЯТ



Баъзан катта натижа учун тўғри ёндашув керак

Ғузор туманидаги “Батош” маҳалласида яшовчи Дилором Шербоева оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиб, томорқасидан самарали фойдаланишнинг ўзига хос усулини топди.

У ўз хонадонига қарашли 11 сотих ерда иссиқхона ташкил этиб, помидор ва бодринг етиштиришни йўлга қўйди. Бугун бу маскан нафақат оиланинг даромад манбаи, балки меҳнат, тежамкорлик ва тадбиркорлик уйғунлигининг ҳам ёрқин намунасидир.

— Бу иш билан шуғулланаётганимизга уч йил бўлди, ***— дейди Дилором Шербоева.*** *— Асосан, ўғлим ва келиним менга ёрдам беради. Бир йил давомида 50-60 миллион сўм даромад оламиз. Дастлаб икки-уч қопдан ҳосил олган бўлсак, ҳозир бу кўрсаткич 15 қопгача етади. Бир экиндан уч-тўрт ой давомида ҳосил терамиз. Кейин ерни қайта ишловдан чиқариб, яна экин экамиз.*

Бу рақамлар ортида тинимсиз меҳнат, ҳосилни парваришлаш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, харажатларни ҳисоб-китоб билан режалаштириш каби юмушлар мужассам. Иссиқхонада бир мавсум якунланиши билан иккинчи мавсумга тайёргарлик бошланади.

Қонунчиликда белгиланган солиқ имтиёзлари ҳам Дилором опа учун қўшимча имконият бўлди. Хусусан, Солиқ кодексининг 378-моддасига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг ўз томорқасида етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олган даромадлари белгиланган шартлар асосида даромад солиғидан озод этилади. Дилором опа ҳам ушбу имтиёздан фойдаланиб, ўз томорқасида етиштирган помидор ва бодрингни сотишдан олган даромадлари учун солиқ тўламади.

“Батош” маҳалласидаги ушбу хонадон тажрибаси кичик томорқа ҳам пухта режа, изчил меҳнат ва оқилона ҳисоб-китоб орқали оиланинг мустаҳкам иқтисодий таянчига айланиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



ИБРАТ

Ноннинг тафтида меҳр, меҳнатида барака бор

Инсоннинг қадрини унинг танлаган касби эмас, балки шу касбга бўлган меҳри, ҳалол меҳнати ва фидойилиги белгилайди. Айниқса, новвойликнинг ўзига яраша машаққати, масъулияти ва шарафи бор...

Нилуфар МУРОДОВА.

Конимех туманидаги “Шўртепа” маҳалласида яшовчи Мунисбек Худойқулов ҳам ана шундай шарафли касбни ўзига муносиб кўрган ёшлардан. У бугун оилавий тадбиркорлик асосида нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

Новвойнинг иш куни бошқаларникидан анча эрта бошланади. Ҳали кўпчилик уйқудалигида хамир қориш, уни тиндириш, зувалаларга ажратиш ва нон ёпишга тайёрлаш каби юмушларга киришилади.



Мунисбекнинг ҳам кундалик фаолияти ана шундай тинимсиз меҳнат билан боғлиқ. Нонларнинг бир хил шаклда, сифатли ва харидоргир бўлиб пишишига алоҳида эътибор қаратилади. Тайёр маҳсулотлар эса ўз вақтида манзилига етказилиши керак.

— Маҳалламиз ёшлар етакчисининг кўмаги билан нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, ***— дейди Мунисбек.*** *— Дастлаб бу ишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлди. Новвойлик ташқаридан қараганда оддий касбдек туюлиши мумкин. Аслида эса хамирнинг меъёрини топишдан тортиб, маҳсулот сифатини бир маромда сақлашгача бўлган жараённинг ҳар бири тажриба ва эътибор талаб қилади. Иш давомида кўп нарсаларни ўргандик. Ҳозир маҳсулотларимизни туман бўйлаб етказиб беряпмиз. Энг қувонарлиси, фаолиятимиз орқали тўрт кишининг бандлиги таъминланган.*

Ҳақиқатда тадбиркорликда тажриба бир кунда шаклланмайди. Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда озодалик, сифат ва харидор ишончи муҳим ўрин тутади. Мунисбек ҳам кундалик меҳнати давомида маҳсулот тайёрлаш билан бирга, буюртмаларни ўз вақтида бажариш, ишни тўғри ташкил этиш ва мижозлар талабини ўрганиш борасида тажриба орттирмоқда. Бугун унинг олдида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва фаолиятини янада кенгайтириш каби мақсадлар турибди.



Самарқанд шаҳрида Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази ҳузурида “НАЖОТ” БОЛАЛАР МАРКАЗИ ташкил этилади.



Қорақалпоғистон, Жиззах, Хоразм ва Самарқандда ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ бўйича тренинглар ўтказилди.



1 ноябрдан газ етиб бормаган хонадонлар учун ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИНГ ОЙЛИК БАЗАВИЙ МЕЪЁРИ 200 кВт./соатдан 350 кВт./соатгача оширилади.

2026 ЙИЛ
17 ОКТЯБРЬ,
ШАНБА

№84

Mahalla

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Натижа ҳужжатларда эмас, инсон ҳаётидаги ижобий ўзгаришда

Маҳалла тизимида фаолият бошлаганимга кўп вақт бўлгани йўқ. Хотин-қизлар билан ишлаш соҳасига аввалдан қизиққаним учун қийинчиликлар унчалик сезилмаяпти. Дастлаб ҳудуддаги аёллар билан яқиндан танишдим, фаол опа-сингилларимиз, ишсизлар, шунингдек, оилавий муаммолар сабаб ажрашиш ёқасига келиб қолган оилалар ҳолатини ўргандим.



Дилафрўз БАҲРОМОВА,
Сардоба туманидаги “Файзлиобод” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Шу кунга қадар саккиз нафар аёлга ўз ишини бошлаши ёки ғояларини ривожлантириши учун кредит ажратилишига кўмаклашдик. Улар орасида парда тикиш, тикувчилик ва чорвачилик билан шуғулланиш истагида бўлганлар кўп.

Масалан, Муҳайё Қайнаровага 50 миллион сўм кредит ажратилди. Ушбу маблағ ёрдамида у уй боғчасини ташкил этди. Ҳозирда таълим муассасасида битта гуруҳ очилган, иккита янги иш ўрни яратилган. Эътиборлиси, Муҳайё опа аввал расмий иш жойига эга бўлмаган, ишсиз аёл эди. Бугун эса нафақат ўзнинг бандлигини таъминлади, балки бошқа инсонлар учун ҳам меҳнат қилиш имкониятини яратди.

Менимча, бундай натижаларнинг аҳамияти ажратилган маблағнинг ўзи билангина ўлчанмайди. Муҳими, аёл ўз меҳнати орқали даромад топишни, режа тузишни ва келажаги учун масъулиятни зиммасига олишни бошлайди.

Айни пайтда хотин-қизларни касб-ҳунарга ўргатиш, уларнинг лойиҳаларини тайёрлаб, грант танловларида иштирок этишига кўмаклашиш устида ҳам ишлаяпмиз. Ҳозиргача тўрт нафар аёл бундай имкониятдан фойдаланиш истагини билдирди. Асосан, қандолатчилик ва тикувчиликка қизиқиш юқори.

Хотин-қизлар билан ишлаш жараёнида яна бир муҳим масалага эътибор қаратдим. Аёлларнинг касбий билимларини ошириш билан бирга, умумий саводхонлиги ва таълим олиши учун ҳам шароит яратиш зарур.

Айрим аёлларимиз ёши ўттиздан ошган бўлса-да, бирор касб ёки ҳунарни эгалламаган. Баъзилари фарзандининг дарсларини тайёрлатишда қийналади, чет тилини билмагани учун боласига ёрдам бера олмайди. Фарзандини рус тилида таълим бериладиган мактабга жойлаштирган, аммо ўзи бу тилни билмайдиган ота-оналар ҳам учрайди.

Шунинг учун маҳаллада таълим имкониятларини кенгайтириш муҳим, деб ҳисоблайман. Мактаб ўқитувчиларини жалб этган ҳолда ота-оналар учун она тили, математика, рус ва инглиз тиллари бўйича қўшимча машғулотлар ташкил этиш мумкин. Бундай дарслар аёлларнинг билимини оширишга, фарзандлари таълимида фаол иштирок этишига ёрдам беради.

Зеро, фарзандига илм ўрганишнинг аҳамиятини тушунтира оладиган, унинг қизиқишларини қўллаб-қувватлайдиган она оилада таълимга бўлган муносабатни ҳам ўзгартиради.

Маҳалладаги оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Иш бошлаганимдан буён етти-саккизта оилани яраштиришга муваффақ бўлдик. Албатта, ҳар бир оиланинг муаммоси ва унинг келиб чиқиш сабаблари турлича.

Айрим ҳолларда эрнинг спиртли ичимликларга ружу қўйиши, оилавий зўравонлик ёки моддий қийинчиликлар низога сабаб бўлади. Йил бошидан буён маҳалламизда иккита оила ажрашди. Бу рақамнинг ортида эса ўз тақдири, ташвиши ва келажак ҳақидаги хавотирлари билан қолган инсонлар борлигини унутмаслигимиз керак.

Оилани яраштириш, аввало, муаммонинг илдизини аниқлашдан бошланади. Агар низо тушунмовчилик ёки ўзаро мулоқот етишмаслигидан келиб чиққан бўлса, суҳбат ва яқинларнинг кўмаги ижобий натижа бериши мумкин. Аммо зўравонлик мавжуд бўлган вазиятда аёлнинг хавфсизлиги биринчи ўринда туриши шарт. Бундай ҳолларда жабрланган аёлни тегишли мутахассисларга йўналтириш ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарур.

Бугунги кунда ҳудудимизда, пахта ва мошни қайта ишлаш заводи ва тикувчилик цехлари фаолияти йўлга қўйилган. Демак, меҳнат қилишни истаган аёллар учун имкониятлар бор. Бизнинг вазифамиз эса уларни ана шу иш ўринларига йўналтириш, касбий салоҳиятини ошириш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашишдан иборат.

Шу билан бирга, **маҳалла тизимидаги иш жараёнларини янада соддалаштириш тарафдориман.** Ҳозирда турли ҳужжатларни тўлдириш, маълумотларни платформага киритиш ва ҳисоботлар тайёрлашга анча вақт сарфланади. Агар қоғозбозлик камайтирилиб, ахборот тизимлари ўзаро мувофиқлаштирилса, хотин-қизлар фаоли аҳоли билан бевосита ишлашга, хонадонлардаги муаммоларни ўрганишга кўпроқ вақт ажрата олар эди.

Чунки маҳалладаги ишнинг ҳақиқий натижаси тўлдирилган ҳужжатлар сони билан эмас, балки ҳаётида ижобий ўзгариш бўлган инсонлар билан ўлчанади.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

15 ёшда Африка чўққисини забт этган ўзбек қизи

...5 895 метр баландлик. Ҳаво ҳарорати кун ботиши билан кескин пасайиб боради, кислород эса одатдагидан икки баравар кам. Бу дунёнинг энг маҳобатли нуқталаридан бири — “Африка томи” деб аталмиш Килиманжаро чўққисидир. Аксарият алпинистлар учун ҳам ушалмас орзу бўлиб қолаётган ушбу улкан чўққини ўзбекистонлик 15 ёшли Асал Махсумова ирода ва жасорат билан забт этди.

Гулноза БОБОЕВА,
журналист.



Маълумки, Килиманжаро Танзаниянинг шимоли-шарқида жойлашган, нафақат ушбу мамлакатнинг, балки бутун Африка қитъасининг энг машҳур рамзи ҳисобланади.

*— Лойиҳа гояси Президентимизнинг 2026 йил 30 июнда ёшларга мурожаатларидан сўнг пайдо бўлди, — **дейди Асал Махсумова.** — Юртбошимиз нутқидан илҳомланиб, улар эълон қилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қандай ҳисса қўшишим мумкинлиги ҳақида узоқ вақт изландим. Ушбу изланиш натижасида Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган “Project Independence” номли лойиҳа дунёга келди. Унинг вазифаси дунёга Ўзбекистонда ўзини бутун сайёрага танитишга тайёр ва катта ютуқларга эришишга қодир ёшлар борлигини кўрсатишдир.*

Кўтарилиш 10 сентябрдан 15 сентябргача давом этди. Кундузи тоғ ёнбағири иссиқ, кечаси эса жуда совуқ эди. Кўтарилиш куни чўққида ҳаво ҳарорати тахминан -10°C эди, қор ёғаётган ва кучли шамол эсаётганди. Мен Уҳуру чўққисига, тоғнинг энг баланд нуқтасига етиб бордим.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва чет давлатлардаги Арашан чўққиси (3750 м.), Хўжа Гур-Гур Ота чўққиси (3720 м.), Катта Чимён (3309 м.), Қозогистондаги Богданович музлиги (3500+ м.) ва бошқа чўққиларни забт этганман.

Шунингдек, Асал югуриш билан фаол шуғулланиб, йирик халқаро марафонларда иштирок этиб келмоқда.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

“ОДАМЛАР ОБОДЛИКНИ ҚАЛБДАН ҲИС ЭТГАНИ, БУ — ЭНГ КАТТА ЮТУҚ”



Маҳалладаги фаолиятим давомида асосий эътиборимни аҳолининг турмуш шароитини ўрганиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни аниқлаш ва уларга зарур ёрдам кўрсатишга қаратганман. Саъй-ҳаракатларимиз туфайли бир қатор оилаларнинг оғирини енгил қилиш, кундалик ҳаётидаги муаммоларни ҳал этиш ҳамда келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлашга эришяпмиз.

Чарос ЙЎЛДОШОВА,
Касби туманидаги “Хўжаҳайрон” маҳалласи ижтимоий ходими.

Ижтимоий ходимнинг эътибори фақат бугунги муаммоларни ҳал этиш билан чекланмаслиги керак. Шу боис оилавий шароит ва ҳаётий вазиятларни ўрганиш орқали инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратаман.

Ҳудудимизда айни вақтда 6 567 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда ҳар бир оиланинг ўз турмуш тарзи, эҳтиёж ва муаммолари бор. Айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексалар, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган оилалар доимий эътибор ва кўмакка муҳтож.

Икки йил давомида 94 та ижтимоий иш очилиб, фуқароларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тадбирларни тизимли равишда олиб боряпмиз.

Масалан, 46 ёшли Нилуфар Зоирова оиласидаги вазиятни ўрганиш жараёнида унинг уч нафар фарзанди ногиронлиги бўлган шахс экани маълум бўлди. Оила аъзоларининг хоҳишидан келиб чиқиб, икки нафар фарзанди кундузги парвариш хизматига жалб этилди.

Мазкур хизмат болаларнинг кундалик ҳаётини мазмунли ташкил этиш, улар билан мунтазам шуғулланиш ва оила аъзоларининг зиммасидаги парвариш юкини енгиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хизматдан кейин фарзандларнинг хатти-ҳаракатларида ижобий ўзгаришлар кузатилаётгани эса кўрсатилаётган ёрдамнинг амалий натижасидир. Энг муҳими, она бундан жуда мамнун.

41 ёшли Камола Жўраева оиласи билан ҳам ижтимоий кўмакнинг бир нечта йўналиши қамраб олинган. Ўрганиш давомида хонадонда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган икки нафар шахс борлиги аниқланди. Биринчи навбатда, улар Ижтимоий реестрга киритилиб, моддий ёрдам тайинланди.

Бундан ташқари, турмуш ўртоғининг ҳаракат қилиш имконияти чеклангани инобатга олиниб, у “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида уйда парвариш хизмати билан қамраб олинган. Оиланинг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида маблағ ажратилиб, таъмирлаш ишлари тўлиқ амалга оширилди. Шунингдек, фуқарога ногиронлик аравачаси берилган.

Натижада оиланинг муҳим эҳтиёжларига ечим топилди: моддий қўллаб-қувватлаш, парвариш хизмати, ҳаракатланиш воситаси ва муносиб яшаш шароитини яратиш чоралари биргаликда амалга оширилди.

Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Лекин энг муҳими, одамлар бугунги ислоҳотларни қалбдан ҳис қиляпти. Давлат тақдим этаётган имкониятлар уларни йиллар давомида қийнаб келаётган муаммоларга ечим бўлишига ишоняпти.

ЯНГИ ДАВРНИНГ ЁРҚИН ҲАЁТИ

Хонадонларга илиқлик улашаётган қўллар

Тандир — халқимизнинг кўп асрлик турмуш тарзи, миллий урф-одатлари ва қадриятлари билан чамбарчас боғлиқ муқаддас тимсоллардан бири. Унда пишган ноннинг иси кўнгилларга ором, дастурхонга файз бағишлайди.



Нигина ШОЕВА,
журналист.

Тандирнинг яратилиши ортида эса катта меҳнат, маҳорат ва сабр ётади. Тупроқни танлаш, унга ишлов бериш, керакли шаклга келтириш ва мустаҳкамлигини таъминлаш ҳунарманддан тажриба ва нозик дид талаб қилади.

Шўрчи туманидаги “Лайлахона” маҳалласида яшовчи Ўрозгул Янгибоева ана шундай машаққатли ҳунарни эгаллаган. Унинг моҳир қўллари тупроққа шакл берар экан, оддий хомашё аста-секин кундалик турмушимизда муҳим ўрин тутадиган маҳсулотга айланади. Ҳар бир ҳаракатида йиллар давомида орттирилган тажриба, меҳнатга меҳр ва касбига садоқат намоён бўлади.

Ўрозгул Янгибоева ясаган тандирлар бир кун келиб турли хонадонларга ўрнатилади. Уларда нон ёпилади, таомлар тайёрланади, оилалар дастурхон атрофида жам бўлади. Шунда унинг меҳнати меваси фақат тандирнинг ўзида эмас, балки инсонлар ҳаётига кириб бораётган илиқлик ва файзда ҳам намоён бўлади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

ИМКОНИЯТ

“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ДА КЎМАК ТУРЛАРИ ОШДИ

Президент фармони билан “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағларидан фойдаланиш ва хотин-қизларга ёрдам кўрсатиш тизимига ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, “Аёллар дафтари”га 7 та янги ёрдам ва хизмат тури қўшилди.



1. “Ижтимоий реестр”га киритилган, эҳтиёжманд ёки камбағаллик хавфи остида бўлган 30 ёшдан ошган хотин-қизларга иссиқхона қуриш учун — 17 миллион 600 минг сўмгача маблағ ажратилади *(олдин бу ёрдам миқдори 13,2 миллион сўмгача эди).*

2. Уруғ, кўчат ва ўғит таъминоти учун — 1 миллион 320 минг сўмгача, томорқани ҳайдаш ва текислаш хизмати учун — 4,4 миллион сўмгача ёрдам берилади.

3. Тикувчилик, қандолатчилик, ҳунармандчилик ва маиший хизмат фаолиятини бошлаш учун — 6,6 миллион сўмгача бир маротабалик кўмак тақдим этилади.

4. Хонадон ва томорқага сув чиқариш харажатлари учун — 17,6 миллион сўмгача бир марталик ёрдам кўрсатилади.

5. Томорқани ҳайдаш, текислаш ва бошқа механизация хизматлари учун — 8,8 миллион сўмгача маблағ берилади.

6. Оилавий тадбиркорлик *(паррандачилик, чорвачилик, қуёнчилик, асаларичилик)* учун бошланғич маҳсулот олиб беришга — 11 миллион сўмгача кўмак ажратилади.

7. Фаолиятни йўлга қўйишда зарур йирик асбоб-ускуналар *(сартарошлик, пайвандлаш, дурадгорлик, ҳунармандчилик дастгоҳлари ва бошқалар)* олиб бериш учун — 22 миллион сўмгача катталаштирилган бир марталик ёрдам тақдим этилади.



Наманган вилоятида “САВОДХОН ТАШКИЛОТ — САВОДЛИ ЖАМИЯТ” шиори остида солиқ инспекторлари оммавий диктант ёзди.



Шофиркон туманида ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида ОЧИҚ МУЛОҚОТ ВА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ ташкил этилди.



СОЛИҚ ИНСПЕКТОРЛАРИ ИШТИРОКИДА ўсимлик ёғи маҳсулотларини рақамли маркировкалаш қоидаларига риоя этиш юзасидан учрашувлар ўтказилди.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Ташаббус барқарор бизнесга айлангани қувончли

Солиқ инспектори сифатида айтишим мумкинки, тадбиркорга фақат қонун талабларини тушунтиришнинг ўзи етарли эмас. Унинг фаолиятида қандай қийинчиликлар борлиги, қайси масалада амалий кўмакка муҳтожлигини ҳам билиш керак. Чунки кичик бир ташаббуснинг барқарор бизнесга айланишида тўғри маслаҳат ва ўз вақтида кўрсатилган ёрдам муҳим ўрин тутади.



Мирсалим РАҲМОНОВ,
Тойлоқ туманидаги “Бунёдкор”, “Галаботир”, “Навзандак”, “Илмобод”, “Бирлик” маҳаллалари солиқ инспектори.

“Бунёдкор” маҳалласида яшовчи Салима Баҳронованинг фаолияти бунга мисол бўла олади. У гулларга бўлган меҳрини даромад манбаига айлантириб, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган. Яқинларининг қўллаб-қувватлаши билан 20 сотих ер майдонида замонавий иссиқхона ташкил этган. Бугун бу ерда ўндан ортиқ турдаги хона гуллари етиштирилмоқда.

Гулчилик сиртдан қараганда кишига завқ бағишлайдиган енгил машғулотдек туюлади. Аслида эса ҳар бир ўсимликнинг ўзига хос парвариши, ҳарорат ва намликка бўлган талаби бор. Биргина эътиборсизлик ойлаб қилинган меҳнатни зое кетказиши мумкин. Шу боис Салима опа гулларнинг ўсиши, суғорилиши ва озиқлантирилишига алоҳида аҳамият беради. Айни пайтда иссиқхонада 60 минг дона герань гули парваришланиб, сотувга тайёрланган.

Мени қувонтирадиган жиҳати, бу фаолият бутун бир оилани бир мақсад атрофида бирлаштирган. Салима опанинг отаси, укаси ва келини ҳам иссиқхона ишларида елкама-елка меҳнат қилмоқда. Демак, бир аёлнинг ташаббуси оила аъзолари учун ҳам даромад манбаига айланган.

Биз солиқ инспекторлари маҳалладаги бундай тадбиркорлар билан ишлашда, аввало, уларнинг фаолиятини қонуний ва барқарор ташкил этишига кўмаклашамиз. Хусусан, тадбиркорлик шаклига мос солиқ тартибини танлаш, ҳисоботларни белгиланган муддатларда тақдим этиш, солиқ мажбуриятларини тўғри бажариш ва электрон хизматлардан фойдаланиш юзасидан тушунтиришлар берамиз. Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган солиқ имтиёзлари ва енгилликларидан қайси ҳолатларда фойдаланиш мумкинлигини ҳам етказамиз.

Салима Баҳронова каби тадбиркорларга солиқ қонунчилиги талабларини тушунтириш, ҳисоб-китобларни тўғри юритиш ва электрон хизматлардан фойдаланишда амалий кўмак кўрсатяпмиз. Тажрибамдан биламанки, ўз вақтида берилган маслаҳат тадбиркорнинг ишонч билан фаолият юритишига хизмат қилади.

Салима опа келгусида иссиқхонасини кенгайтириб, янги гул навларини етиштириш ва қўшимча иш ўринларини яратишни мақсад қилган. Бундай ташаббусларни қўллаб-қувватлаш биз учун ҳам муҳим. Зеро, кичик тадбиркорликнинг ривожи оилалар фаровонлиги ва маҳалла иқтисодиётининг юксалишига хизмат қилади.

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

ХАВФ СОЯСИ ТУШМАСИДАН АВВАЛ ТЎСИҚ МУҚАРРАР!

Маҳалламиз шаҳар марказида жойлашган. Ҳудудимизда олий таълим муассасалари, талабалар тураржойлари, савдо ва хизмат кўрсатиш марказлари кўп. Одамлар қатнови гавжум бўлган бундай ҳудудда хавфсизлик масаласи доимо биринчи ўринда туради. Шу боис биз учун асосий вазифа — аҳоли ва ҳудуд меҳмонлари учун осойишта муҳит яратишдир.

Толиб ЭРАЛИЕВ,
Наманган шаҳридаги “Обиҳаёт” маҳалласи раиси.



Яқинда фойдаланишга топширилган **замонавий маҳалла идораси ва 1-сонли ҳуқуқ-тартибот маскани** бу борадаги имкониятларимизни кенгайтирди. Хусусий тадбиркор Акбаржон Халилов давлат-хусусий шериклик асосида барпо этган уч қаватли бино “Обиҳаёт” маҳалласидаги 7 612 нафар аҳолига қулай хизмат кўрсатиш, мурожаатларни жойида ўрганиш ва муаммоларни тезкор ҳал этиш учун зарур шароитларни яратди. Бинонинг юқори икки қаватида 300 ўринли талабалар ётоқхонасини ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

Ҳуқуқ-тартибот масканининг аҳамияти шундаки, у бир вақтнинг ўзида бешта — “Обиҳаёт”, “Нурафшон”, “Байналминал”, “Равнақ” ва “Даштбоғ” маҳаллаларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бу эса ҳудуддаги вазиятни биргаликда ўрганиш, муаммоларга ўз вақтида муносабат билдириш ва профилактика ишларини манзилли ташкил этиш имконини беради.

Хавфсизликни таъминлашда видеокузатув тизими муҳим ўрин тутади. Бугун ҳудуддаги камералар сони 921 тага етди. Уларнинг 857 таси одатий кузатувни амалга оширса, қолганлари шахсни юзидан, автомобилни давлат рақами орқали аниқлайди. Тизим ички ишлар органларининг саккизта ахборот тизимига интеграция қилинган. Бу имкониятлар орқали эндиликда маҳаллага кириб келаётган ҳар бир кишини, транспорт воситаларини аниқлаш, қидирувдаги шахсларни топиш ҳамда профилактик назоратдаги фуқаролар ҳаракатини кузатиш имконияти мавжуд.

Тажрибадан маълум, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, аввало, уни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатни ўз вақтида пайқашдан бошланади. Шунинг учун маҳаллада фуқароларнинг муаммосини фақат мурожаат қилганидан кейин ўрганиш билан чекланмаймиз. Оилавий келишмовчилик, ишсизлик ёки ижтимоий қийинчилик ўз вақтида аниқланса, унинг оғирроқ оқибатларга олиб келишининг олдини олиш мумкин.

“Ижтимоий профилактика” тизими доирасида турли масъулларга 114 та хулоса берилган. Шундан 105 таси бўйича масалалар ҳал этилди. Қолган 9 та масаланинг ечими ҳам назоратимизда. Бугун маҳалламизда алоҳида эътибор талаб қиладиган 101 нафар фуқаро бўйича манзилли ишлар олиб бориляпти. Уларнинг 20 нафари пробация назоратида, 25 нафари профилактик ҳисобда туради, 7 нафари соғлиқни сақлаш ҳисобида қайд этилган. Шунингдек, 3 та нотинч оила ва ҳимоя ордери берилган 41 нафар хотин-қиз билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилган, илгари судланган 5 нафар шахс ҳам назоратга олинган.

Бу рўйхатдаги ҳар бир ҳолатнинг ўз сабаби ва ечими бор. Пробация назоратидаги фуқаро учун иш топиш ва жамиятга мослашиш муҳим бўлса, тазйиқдан ҳимояланган хотин-қиз учун хавфсизликни таъминлаш, унинг ҳолидан мунтазам хабар олиш ва зарур ёрдамни ташкил этиш биринчи ўринда туради. Нотинч оилалар билан ишлашда эса фақат навбатдаги жанжални бартараф этиш кифоя қилмайди — низонинг илдизини топиш керак.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жамоат жойлари ва таълим муассасалари хавфсизлиги ҳам муҳим. Маҳалламизда Ҳамдўстлик, Учқун, Янгиариқ ва Н.Намангоний номидаги кўчаларда “Хавфсиз кўча” тизими йўлга қўйилган. 1-мактаб эса “Хавфсиз мактаб” тизими билан қамраб олинган. Унда ўрнатилган 104 та видеокамера синфхоналар, кириш-чиқиш жойлари, стадион ва очиқ ҳудудларни назорат қилиш имконини беради. Ҳудуддаги 74 та ташвиш тугмаси ҳам хавфли вазиятларда тезкор ёрдам чақириш учун хизмат қилади.

Яна бир эътиборли жиҳат — узоқ муддатга хорижга ишлаш учун кетган фуқаролар масаласи. Маҳалламизда бундай 180 нафар фуқаро бор эди, йил бошидан буён уларнинг 82 нафари қайтиб келган. Уларнинг хорижда бўлиши оилалари билан алоқани узиш ёки маҳалла эътиборидан четда қолишини англатмаслиги керак. Айниқса, қайтиб келган фуқароларнинг иш билан таъминланиши, оилавий шароити ва ижтимоий мослашувига эътибор бериш муҳим.

Энди эътиборни икки масалага қаратиш керак, деб ҳисоблайман. Биринчиси, видеокузатув тизими орқали аниқланган ҳолатлар ва улар юзасидан кўрилган чораларни ягона таҳлил асосида баҳолаш зарур. Бунинг учун ҳуқуқбузарлик кўп қайд этилаётган жойлар, такрорий ҳолатлар ва уларнинг сабаблари мунтазам ўрганилиб, камералар жойлашуви ҳамда профилактика тадбирлари шу таҳлил асосида такомиллаштирилиши лозим.

Иккинчиси, алоҳида тоифадаги фуқаролар билан ишлашда ҳар бир шахснинг муаммосига мос аниқ чора ва натижа белгилаш керак. Масалан, ишсиз фуқарони бандликка йўналтириш, тазйиққа учраган хотин-қизнинг хавфсизлигини мунтазам назорат қилиш бўйича амалий режа тузилиши лозим. Бу ёндашув профилактик ишларни қоғоздаги ҳисоботдан аниқ натижага кўчиради: муаммо вақтинча тинчигандек кўринмайди, балки уни келтириб чиқарган сабабни бартараф этишга имкон яратади.



ИШОНЧНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ҚИММАТГА ТУШДИ

Яқинда пойтахтимизнинг Чилонзор туманида яшовчи 24 ёшли Н.Ж.нинг жиноий иши судда кўриб чиқилди.

Фаррух БОЗОРБОЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани суди судьяси.

Унинг қилмишига сабаб бўлган ҳолатлар билан танишар эканмиз, бир жиҳат эътиборни тортади: йигит ҳеч қаерда ишламаган. Аммо унинг ишсизлиги эмас, ҳалол даромад топиш ўрнига ўзганинг мулкини қўлга киритиш йўлини танлагани жиноятга сабаб бўлди.

Суд ҳужжатларида келтирилишича, Н.Ж. Яккасарой туманидаги биллиард ўйингоҳида И.Т. билан танишади. У иш топиш мақсадида телефондан вақтинча фойдаланиб туришни сўрайди. И.Т. унга ишониб, баҳоси 4 миллион 500 минг сўм бўлган телефонини беради. Бироқ у ўз юмушлари билан ичкарига кириб кетганидан фойдаланган Н.Ж. ҳодиса жойидан яширинади ва кўп ўтмай телефонни ўчириб қўяди.

Кейинчалик у телефонни “Фарҳод” бозорида нотаниш кишига 1 миллион 250 минг сўмга сотиб юборади. Пулни эса шахсий эҳтиёжларига сарфлайди.

Суд мажлисида Н.Ж. айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини билдирди ва енгиллик беришни сўради. Суд унинг ҳаракатларини фирибгарлик деб баҳолаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида жарима жазосини тайинлади.

Бу воқеада эътиборни тортадиган жиҳат: бир инсоннинг бошқа бир инсонга билдирган ишончи шахсий манфаат йўлида суиистеъмол қилинди. Телефон эгаси мулкидан айрилди, судланувчи эса ўзининг нотўғри танлови учун қонун олдида жавоб берди.

Ҳалол меҳнат билан топилган даромад инсонга хотиржамлик ва қадр-қиммат беради. Ўзганинг ҳаққига кўз олайтириш эса осон йўлдек кўрингани билан, охир-оқибат инсонни жавобгарликка олиб боради. Бу воқеа ҳам ишончни асраш ва ҳар қандай шароитда ҳалол йўлни танлаш муҳимлигини эслатади.

СОЛИҚ САБОҚЛАРИ

Аккорд солиғи: уни ким ва нима учун тўлайди?

Солиқ деганда, кўпчилигимиз даромад ёки мол-мулк қийматига қараб ҳисобланадиган тўловни тушунамиз. Аммо иқтисодиётда шундай солиқ тушунчаси борки, унинг миқдори инсон қанча пул топишига боғлиқ эмас. Бу — аккорд солиғи.



Аккорд солиғи олдиндан белгиланган қатъий суммада ундириладиган солиқдир. Масалан, муайян тартибга кўра, ҳар бир шахс йилига 100 минг сўм тўлаши белгиланди, дейлик. Бир фуқаронинг ойлик даромади 2 миллион, бошқасиники 10 миллион сўм бўлса ҳам, иккаласи бир хил — 100 минг сўм тўлайди. Бу шартли мисол бўлиб, амалдаги солиқ ставкаси эмас.

Бундай солиқ нима учун керак? Унинг асосий афзаллиги оддийлигида. Солиқ миқдорини ҳисоблаш учун ҳар бир фуқаронинг даромади ёки харажатларини алоҳида ўрганиш талаб этилмайди. Давлат учун солиқни бошқариш, фуқаро учун эса тўловни олдиндан режалаштириш осонлашади.

Кимларга қўлланади? Бу ҳар бир мамлакатнинг қонунчилигига боғлиқ. Айрим солиқ тизимларида муайян шахслар ёки фаолият турлари учун қатъий тўловлар белгиланиши мумкин. Бироқ аккорд солиғи иқтисодий назариядаги тушунча бўлиб, уни Ўзбекистонда барча фуқаролар тўлаши шарт бўлган мустақил солиқ тури деб қабул қилиш нотўғри.

Унинг қандай камчилиги бор? Энг муҳим жиҳати — тўлов қобилиятидаги фарқ ҳисобга олинмаслигидир. Бир хил сумма юқори даромадли инсон учун арзимас бўлиши, кам даромадли оила бюджетига эса сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

Шунинг учун фуқаролар қатъий миқдордаги ҳар қандай солиқ ёки мажбурий тўлов ҳақида маълумот олганда, аввало, унинг қонуний асоси, кимларга татбиқ этилиши, тўлаш муддати ва мавжуд имтиёзларини текшириши лозим.

Унутманг, солиқнинг номи ёки ҳисоблаш усулини билишнинг ўзи етарли эмас. Энг муҳими, қайси тўловни нима учун ва қандай қонуний асосда тўлаётганингизни тушунишдир.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.



Китобхонлик танлови иштирокчилари ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ БИР ОЙ ОЛДИН ТУГАТИШИ мумкин.



Темурийлар тарихи давлат музейида “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШУКРОНАЛИГИ” маърифий фотокўргазмаси ташкил этилди.



2026/2027 ўқув йили учун ОТМларда ШАРТНОМА ТЎЛОВЛАРИНИ ТЎЛАШ ва талабалар сафига қабул қилишни расмийлаштириш муддати 1 ноябрга қадар узайтирилди.

ИЛОННИНГ БОШИ ҚАЕРДА?

БОЛАЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ЯНГИ ҚОНУН ВА ЖАМИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ МАСЪУЛИЯТИ ХУСУСИДА

Ўзбек халқини болажон халқ дейишади. Бу гап мақтов учун тўқилмаган. Бизда азалдан “боланинг бегонаси бўлмайди”, дейилади. Кўчада йиғлаб турган бировнинг боласини кўрган одам индамай ўтиб кетолмайди. Маҳалладаги ҳар бир катта, ҳар бир кичикка ота ёки она кўзи билан қарайди.

Нигора ҲУСАНОВА,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти катта илмий ходими, доцент.

Шунинг учун ҳам 2026 йил сентябрида Наманган вилоятидаги мактабгача таълим ташкилотида беш ёшли қизалоққа нисбатан содир этилган қабоҳат ҳақидаги хабар бутун мамлакатни ларзага солди. Ижтимоий тармоқлардан тортиб маҳалла гузаригача, оддий онадан тортиб давлат раҳбариятигача жамиятнинг барча қатламлари бир овоздан муносабат билдирди.

Давлатнинг жавоби кечикмади. Жиноят иши қўзғатилди, гумонланувчи шу куннинг ўзидаёқ ушланди, тергов устидан назоратни Бош прокурор шахсан ўз зиммасига олди. Президент Администрацияси раҳбари жиноятчи қонундаги энг оғир жазога тортилишини, норасида болани асрай олмаган барча масъуллар ҳам жавоб беришини маълум қилди. Барча давлат боғчалари ходимларини текширишга киришилди. Болалар омбудсмани эса жамоатчиликни тасдиқланмаган хабарларни тарқатмасликка чақирди.

ҚОНУН НИМАНИ ЎЗГАРТИРДИ?

Наманган воқеаси жамиятда анчадан бери етилиб келаётган саволни кескин кўндаланг қўйди. 2026 йил 30 сентябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қабул қилган, 2 октябрда Сенат маъқуллаган **“Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонунни 14 октябрда Президент имзолади. Ҳужжат бешта кодекс ва олтита қонунга ўзгартириш киритади.

Жиноят кодексидаги ўзгаришлар энг кўп муҳокама қилинмоқда. Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиш (118-модда тўртинчи қисми) ва шундай болага нисбатан жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш (119-модда тўртинчи қисми) учун жазо **ўн беш йилдан йигирма беш йилгача ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш** этиб белгиланди. Вояга етмаганларга қарши бундай жиноятлар бўйича жавобгарликка тортиш муддати қўлланилмайди.

Боланинг ўлимига сабаб бўлган қасддан жиноятлар учун шартли ҳукм қилиш ва жазони енгиллаштириш истисно этилди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс эса болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборот маҳсулотини тайёрлаш ва тарқатиш учун янги 189.3-модда билан тўлдирилди. Бу охирги меъёр мавзуимиз учун, айниқса, муҳим, унга яна қайтамиз.

ЖАЗОНИНГ ОҒИРЛИГИ ВА МУҚАРРАРЛИГИ

Бундан икки ярим аср олдин италиялик ҳуқуқшунос Чезаре Беккариа **“Жиноятлар ва жазолар ҳақида”** асарида жиноятни тўхтатадиган нарса **жазонинг шафқатсизлиги эмас, балки унинг муқаррарлиги** эканини ёзган эди. Мўътадил, лекин, албатта, келадиган жазо оғир, аммо қочиб қутулиш мумкин бўлган жазодан кўра кучлироқ таъсир қилади. Янги қонуннинг энг теран жиҳати ҳам шу ерда. Йигирма беш йил ёки умрбод қамоқ ҳақидаги хабар жамиятнинг адолатга бўлган ташналигини қондиради. Лекин жавобгарликка тортиш муддатининг бекор қилиниши, енгиллаштирувчи ҳолатларнинг инобатга олинмаслиги жиноятчига **“йиллар ўтса, унутилади”** деган умид қолдирмайди. **Бу энди жазонинг муқаррарлигидир.**



Шу билан бирга, ҳар қандай жазо жиноят содир бўлганидан кейин ишга тушади. У содир бўлган қабоҳатга жавоб беради, лекин бола аллақачон жароҳатланган бўлади. Очиқ айтиш керак, **ҳозирча биз илоннинг думини кесяпмиз.** Ҳар бир фожиадан кейин жазо кучаяди, жамият бир-икки ҳафта ларзада юради, кейин ҳаёт ўз изига тушади ва навбатдаги хабаргача ҳамма нарса унутилади. Думи кесилган илон эса ўлмайди, у инига кириб, фурсат пойлайди. Илоннинг бошини янчмагунча бу айланма давом этаверади.

МУАММОНИНГ ИЛДИЗИ ЭСА ОҒРИҚ ҲИССИ ЎТМАСЛИГИДА...

Афсуслар бўлсинки, болаларга нисбатан зўравонлик ҳақидаги хабарларнинг оммавий ахборот воситаларида тез-тез ёритилаётгани, ижтимоий тармоқларда бундай хабарлар кун сайин кўпайиб бораётгани дилни хира қилади. Лекин ундан ҳам ташвишлироқ ҳолат бор. Ижтимоий тармоқларда “ўгай акаси номусига теккан қиз”, “ўз отам номусимга тегди”, “ўгай қизининг номусига теккан ота” мазмунидаги сериаллар, саҳналаштирилган видеолар ва “ҳаётий ҳикоялар” тобора кўпаймоқда. Ахборот маконида маълум ҳақиқат бор. Бундай контентнинг томошабини яхши, тарбиявий контентга қараганда бир неча баробар кўп. Алгоритм эса кўп кўрилган нарсани яна кўпроқ одамга етказади.

Америкалик тадқиқотчи Жорж Гербнер ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ “культивация назарияси”ни илгари сурган эди. Унга кўра, экрандан узоқ вақт давомида такрор-такрор кўрилган манзаралар инсоннинг воқеликни қандай тасаввур қилишини секин-аста ўзгартиради. Альберт Бандура тажрибалари эса болалар кўрган хатти-ҳаракатни, айниқса, у жазосиз қолган бўлса, тақлид орқали ўзлаштиришини исботлаган. Психологияда бу жараён десенсибилизация, яъни “сезувчанликнинг пасайиши”, деб аталади. Бир марта эшитилган даҳшатли хабар юракни ларзага солади. Ўнинчи марта эшитилганда эса у шунчаки “яна бир хабар”га айланади. Кишида қабоҳатга нисбатан оғриқ ҳисси ўтмаслашади, у одатий ҳолдек туюла бошлайди.

Криминологлар Жеймс Уилсон ва Жорж Келлинг 1982 йилда **“синган деразалар”** назариясини таклиф этган эди. Агар бинодаги битта синган ойна вақтида алмаштирилмаса, кўп ўтмай қолган деразалар ҳам синдирилади. Чунки атрофдагилар “бу ерда ҳеч кимга фарқи йўқ”, деган хулосага келади. Ахборот муҳитида ҳам худди шундай. *Номус, оила, қариндошлик каби муқаддас тушунчаларни ҳазил, томоша ёки “хайп” манбаига айлантирувчи ҳар бир видео* **“маънавий деворимиздаги битта синган ойнадир”.**

Янги қонундаги 189.3-модда шу деразаларни ёпишга қаратилган ҳуқуқий қадамдир. Аммо очиқ тан олишимиз керак. Бу контентни биз ўзимиз кўрамиз, “лайк” босамиз, тарқатамиз. Демак, муаммо фақат кимдир бизга уни тиқиштираётганида эмас, муаммо ўзимизда ҳам бор.

ПРОФИЛАКТИКА МАЪНАВИЙ ИММУНИТЕТДАН БОШЛАНАДИ

Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Кичикларимизга раҳм қилмаган ва катталаримизнинг шарафини танимаган киши биздан эмас”, деганлар (Термизий ривояти, 1920-ҳадис). Бу ҳадисда кичикларга раҳм-шафқат биринчи ўринда тилга олингани бежиз эмас. Илоннинг бошини янчиш ана шу маънавий заминдан бошланади. Бу борада бир неча амалий йўналишни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Биринчиси, болалар муассасаларида кадрлар саралови. Наманган воқеасида гумонланувчи тарбиячи эмас, боғчанинг омбор мудири экани маълум бўлди. Демак, болалар билан бир ҳудудда ишлайдиган ҳар бир ходим, у қоровул бўладими, ошпаз ёки омборчими, тарбиячи каби синчковлик билан текширилиши лозим.

Иккинчиси, болага ўз танасининг дахлсизлигини ўргатиш. Бола ёшига мос тилда “яхши ва ёмон тегиниш”, “ҳеч ким сенга ота-онангдан сир сақлашни буюра олмайди” каби оддий қоидаларни билиши керак. Зўравонлик кўпинча бола қўрққани ёки нима бўлганини тушунмагани учун узоқ вақт яширин қолади.

Учинчиси, “боланинг бегонаси бўлмайди” тамойилини қайта тиклаш. Маҳалла, қўни-қўшни, мактаб ва боғча жамоаси боланинг хулқидаги кескин ўзгаришни сезиши ва бефарқ қолмаслиги лозим. Янги қонун бу йўлни ҳам очиб берди. Энди хотин-қизлар ва болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳақида мурожаат қилган шахс ўзига жавоб хати юборилмаслигини сўраши мумкин. Бу оила ичидаги зўравонлик ҳақида хабар бераётган қўшни ёки қариндошни ортиқча хавфдан асрайди.

Тўртинчиси, ахборот маданияти ва медиа этикаси. Журналист ва блогер бундай воқеаларни ёритганда жабрдийданинг шахсини, яшаш жойини, тафсилотларни ошкор қилмаслиги, ҳар бир хабарни “томоша” эмас, “огоҳлантириш” тарзида бериши керак.

Бешинчиси, жабрдийдага узоқ муддатли кўмак. Жиноятчига суд ҳукми чиқарилгач, жамиятнинг эътибори одатда сўнади. Бола ва унинг оиласи эса руҳий жароҳат билан йиллар давомида яшайди. Психолог ёрдами, оилани ижтимоий қўллаб-қувватлаш, боланинг янги муҳитда тенгдошлари орасида эркин ўсиши учун шароит яратиш бир неча ҳафталик эмас, бир неча йиллик иш бўлиши керак. Янги қонун билан жорий этилган давлат ҳисобидан юридик ёрдам ҳам айнан шу мантиққа хизмат қилади. Наманганда кўрилган чоралар бу йўлда яхши намуна бўла олади.

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА

Янги қонун ҳуқуқий бўшлиқларни ёпди. Жиноятчи энди на муддат ўтишига, на енгиллаштирувчи ҳолатларга, на шартли ҳукмга умид боғлай олади. Бу илоннинг думини эмас, ҳеч бўлмаганда танасини кесадиган қадам. Лекин илоннинг боши бошқа жойда. У бефарқликда, **“менга нима”,** деган сукутда, қабоҳатга кўникиб борувчи кўзларимизда, кўп кўрилгани учун тарқалаётган бузуқ контентларда. Уни ҳеч бир кодекс моддаси ёлғиз ўзи янча олмайди. Буни фақат **“боланинг бегонаси бўлмайди”** деган азалий ҳикматни яна ҳаётимиз қоидасига айлантирган жамият уддалай олади.

Давлат ўз сўзини айтди.

Энди ҳаракат навбати бизда! Ҳар бир ота-она, ҳар бир маҳалла, ҳар бир муаллим ва ҳар бир смартфон эгасида.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА...

“Кўкка учган тулпорлар” — хотира ва ҳақиқат

Таниқли ёзувчи, филология фанлари доктори Гулжаҳон Мардонованинг “Кўкка учган тулпорлар” романи нашр этилди.



Асарда Қашқадарё вилоятининг олис қишлоқларидаги ҳаёт, қадимий анъаналарга содиқ чавандозлар тақдири, халқнинг миллий озодлик йўлидаги кураши бадиий ифода топган. Муаллиф тарихий воқеликни халқона руҳ, бахшичилик анъаналари ва фалсафий мушоҳада билан уйғунлаштириб, ўтмишнинг мураккаб манзарасини яратади.

Асарнинг бош қаҳрамони Алимардон — босқинчи шўро ҳокимияти зулмига қарши курашган, чапдаст ва учқур чавандоз. Жайдари феъли, туйғуларини ҳаммага ҳам ошкор этмайдиган табиати унинг ички дунёсини мураккаблаштиради. Асардаги аёллар образи ҳам ўзига хос: уларнинг соддалиги ва хокисорлиги замирида авлодлар хотираси, қадимий қадриятлар ва шажарадан мерос бўлиб келаётган маънавий куч намоён бўлади.

Жабборбек қўрбоши сиймоси орқали эса миллий озодлик ҳаракатининг фожиали манзаралари очилади. Унинг душманга қарши кураши, эътиқоди ва қисмати юрт эрки йўлида жон фидо қилган инсонлар ҳаётидаги зиддиятларни акс эттиради.

Асарнинг эътиборга молик жиҳатларидан бири — тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқиманинг ўзаро уйғунлигидир. Муаллиф воқеаларни шунчаки баён қилиш билан чекланмай, қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари, танловлари ва муносабатлари орқали даврнинг ижтимоий муаммоларини очиб беради. Натижада тарихий воқеалар қуруқ маълумотлар йиғиндиси бўлиб қолмай, инсон тақдири ва маънавий танловлар билан боғлиқ ҳаётий манзарага айланади.

ТАРТИБ

Эрта никоҳ учун жазо кучайтирилди

Президентимиз 2026 йил 14 октябрда имзолаган тегишли қонунга асосан, болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Қонунга кўра, **никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш —** БҲМнинг 10 бараваридан 15 бараваригача *(аввал — 5 бараваридан 10 бараваригача)*, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг **никоҳ ёшига етмаган шахсни турмушга бериши ёки уйлантириши —** БҲМнинг 20 бараваридан 25 бараваригача *(аввал — 7 бараваридан 15 бараваригача)*, никоҳ ёшига етмаган шахс билан **никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш —** БҲМнинг 30 бараваридан 50 бараваригача *(аввал — 15 бараваридан 30 бараваригача)* миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бу ўзгариш нега керак эди? Гап шундаки, ҳали ҳам юртимизда эрта никоҳлар ва туғуруқлар сони кўп. Қизларни эрта узатиш ҳолатлари ҳам аримаяпти. Биргина ўтган йили Ўзбекистонда қизларнинг ёши 15-17 ёшни ташкил этган 155 та эрта никоҳ ҳолати қайд этилган. Худди шундай, бугунги кунда никоҳларнинг 40 фоизи 18-19 ёшдаги ёшлар ўртасида тузиляпти.



Ваҳоланки, халқаро тавсияларда 21 ёш никоҳ қуриш учун энг мақбул ёш сифатида белгиланган — бу даврда инсон, одатда, молиявий мустақилликка ва ижтимоий етукликка эришади. Олий Мажлис Сенатининг ўрганишларида эса эрта никоҳларнинг 70 фоизига ота-она, 26 фоизга севги-муҳаббат, 3,4 фоизиага ҳомила билан боғлиқ ҳолатлар сабаб бўлаётгани қайд этилган.

2027 йилдан бошлаб, ҳар икки томон камида 21 ёшга тўлганда илк бор никоҳдан ўтган ёш оилаларга давлат қўшимча имтиёзлар ва бошқа қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этади. Бундан ташқари, қонунчиликда никоҳ ёшини пасайтириш учун аниқ (тугал) асослар белгиланади. Ҳозирги вақтда ҳокимлар истисно ҳолларда ва узрли сабаблар мавжуд бўлганда *(ҳомиладорлик, бола туғилиши ва вояга етмаган шахсни тўлиқ муомалага лаёқатли деб эълон қилиш)* никоҳ ёшини 18 ёшдан 17 ёшгача пасайтириш ҳуқуқига эга.

Янги тартибга кўра, **эрта никоҳ ҳолатлари бўйича идоралараро ҳамкорлик кучайтирилади.** Жумладан, эрта никоҳ ва 16 ёшгача бўлган даврдаги ҳомиладорлик ҳолатлари тўғрисида ички ишлар органлари ҳамда “Инсон” ижтимоий хизматлар кўрсатиш марказларини хабардор қилиш мажбурияти маҳалла ва ФҲДЁ вакиллари, таълим ва тиббиёт муассасалари, шунингдек, диний ташкилотлар зиммасига юклатилади. Бу ҳақда хабар бермаслик уларни маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади. Ўз навбатида хабар берган шахслар ундирилган жарима суммасининг 15 фоизи миқдорида рағбатлантирилади.

ОДАТ ОРТИДАГИ МАЪНО

Совчи ким? Совчилик қандай қадрият?

Бизда азал-азалдан икки ёшнинг бошини қовуштириб қўйиш, аввало, совчилик орқали бошланади. Хўш, совчи ким ва совчилик удуми қачон пайдо бўлган?

Совчиликнинг илк тарихий излари жуда қадим даврларга бориб тақалади. VII-VIII асрларга оид **Ўрхун-Енисей ёзувларида** ва **илк туркий манбаларда** ушбу одат тилга олинган. XI асрда яшаб ижод қилган буюк тилшунос олим Маҳмуд Кошғарий ўзининг машҳур **“Девону луғатит турк”** асарида **“совчи”** сўзига тўхталиб, уни **“йигит ва қиз ўртасида хабар ташувчи, уларни бирлаштирувчи вакил”,** деб таърифлаган.

Диёримизга ислом дини кириб келиши ва ёйилиши билан бировнинг совчиси устига совчи қўймаслик, қизнинг ва оиланинг розилигини ҳурмат қилиш каби тушунчалар қатъий анъанага айланди.

Ўзбек совчилик тарихида сўзсиз тушуниладиган бир қанча қизиқарли рамзий одатлар бор:

- ***“Остона ҳатлаш” ва сир сақлаш:*** *совчиликка борганлар қизникида кўрган-билганларини, суҳбат тафсилотларини кўчага чиқиб гапиришмаган.*
- ***Биринчи боришда рад этиш:*** *қадимги одатларга кўра, қиз тараф биринчи ёки иккинчи келишдаёқ дарров розилик бермаган. Бу қизнинг оиласи учун номус, қизни эса “эъзозли ва қадрли” кўрсатиш рамзи ҳисобланган. “Қизнинг эшиги — тилла занжир”, уни бир келишда очиб бўлмайди, деб ҳисоблашган.*
- ***“Нон синдириш” ва “Оқ ўрар”:*** *узоқ суриштирув ва ўйланишлардан сўнг, икки томон бир қарорга келса, “нон синдириш” (фотиҳа тўйи) удуми ўтказилган. Бу розиқнинг бирлашиши ва аҳднинг қатъийлигини англатган.*



Саҳифани “Mahalla” мухбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.



БУЛУНҒУР ТУМАНИ МАҲАЛЛАЛАРИДА 30 ёшдан 70 ёшгача бўлган аҳолидан “Жисмоний тайёргарлик даражаси” спорт синовлари ўтказилди.



ҚАРШИ ШАҲРИНИНГ “ХОНТЕПА” МАҲАЛЛАСИДА пиёдалар ва велосипедчилар учун 19 километрдан ортиқ алоҳида йўлаклар қурилиши бошланди.



Олтинсой туманида “ЎЗБЕКИСТОН ЭТНОТУРИЗМИ ВА МИЛЛИЙ ТАОМЛАР ФЕСТИВАЛИ”да узумчилик анъаналари ва миллий таомлар кенг намойиш этилди.

Mahalla №84 2026 ЙИЛ 17 ОКТЯБРЬ, ШАНБА

Инсон ўзининг яшамаганини исботлаш учун яна ҳужжат тўплаши, идораларга мурожаат қилиши қайси мантиққа тўғри келади?

ТАҲЛИЛ

ФОЙДАЛАНИЛМАГАН ХИЗМАТ УЧУН ҚАРЗДОРЛИК НЕГА КЕРАК?

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ўрганишлари натижасида яшаш манзилида вақтинча истиқомат қилмаган фуқаролар фойдасига 22 миллиард сўмга яқин асоссиз коммунал қарздорлик қайта ҳисоб-китоб қилинди. Ўрганишларда хорижда ишлаётган, таҳсил олаётган ёки вақтинча бошқа манзилда яшаётган фуқароларга айрим коммунал хизматлар учун тўловлар ҳисоблаб келингани аниқланган.



Шаҳноза БАҲРОМЖОНОВА, журналист.

Бир қарашда, бу истеъмолчилар ҳуқуқлари тикланганидан далолат берувчи ижобий хабар. Аммо рақамлар ортида қанчадан-қанча инсонларнинг ташвиши, оворагарчилиги борлигини ҳам унутмаслик керак. Тасаввур қилинг, бир оила бошлиғи рўзғор тебратиш, фарзандларининг келажагини таъминлаш мақсадида хорижга ишлашга кетган. Ойлаб, балки йиллаб уйидан узоқда яшаган. Юртига қайтгач эса ўзи фойдаланмаган коммунал хизматлар учун қарзи борлигини эшитади...

Қўмита маълумотига кўра, ўрганишларда маиший чиқиндиларни олиб чиқиш хизмати бўйича қарийб **800 минг нафар**, сув ҳисоблагичи ўрнатилмаган хонадонлар бўйича эса **100 нафарга** яқин фуқаро тегишли даврда яшамагани аниқланган. Муаммонинг асосий сабабларидан бири — истеъмолчи ҳақидаги маълумотларнинг ҳақиқий ҳолатга мос келмаганидир. **Яъни фуқаро яшаш жойини ўзгартирган, аммо коммунал ташкилот ҳисобида у ҳамон аввалги манзилида истиқомат қилаётгандек қайд этилган.**

Аслида, бу ҳолат оддий ҳисоб-китоб хатосидан кўра кенгроқ муаммони кўрсатади. Бугун давлат хизматлари рақамлаштирилаётган, идоралараро маълумот алмашинуви кенгаяётган бир пайтда фуқаронинг хорижга кетгани ёки вақтинча бошқа жойда яшаётгани ҳақидаги маълумотлар нега ўз вақтида янгиланмайди? **Инсон ўзининг яшамаганини исботлаш учун яна ҳужжат тўплаши, идораларга мурожаат қилиши қандай мантиққа тўғри келади?**

Тўғри, амалдаги тартибда истеъмолчи сони ўзгаргани тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқланса, қарздорлик ўзгариш юз берган санадан қайта ҳисобланади. Ҳужжатлар бўлмаган ҳолатда эса қайта ҳисоб-китоб ўтган уч ой учун амалга оширилади. Бироқ ҳамма ҳам бу тартибдан хабардорми? Масалан, бир неча йил хорижда ишлаб қайтган фуқаро ўз вақтида мурожаат қилмагани учун ортиқча ҳисобланган тўловлар билан юзма-юз келса, унинг муаммоси қандай ҳал этилади? Бу ерда фуқароларнинг ҳуқуқий хабардорлиги билан бирга, хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг масъулияти ҳам муҳим.

Масаланинг яна бир жиҳати бор. Асоссиз қарздорлик инсоннинг нафақат чўнтагига, балки кайфияти ва коммунал хизматларга бўлган ишончига ҳам таъсир қилади. Кимдир тўловни тўғри деб ўйлаб, қарзини тўлаб қўяди, бошқаси эса ҳақлигини исботлаш учун вақт сарфлайди. Шундай экан, қарздорлик қайта ҳисоблангани билан масала тўлиқ ҳал бўлдими? Аввал тўланган ортиқча маблағлар қандай қайтарилади?

Албатта, масалага бир томонлама қараш ҳам тўғри эмас. Коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳисоб-китобни мавжуд истеъмолчи маълумоти асосида юритади. Фуқаролар эса яшаш жойидаги ўзгаришлар ҳақида белгиланган тартибда хабар бериши лозим. Бироқ қарийб 800 минг нафар инсон билан боғлиқ ҳолат аниқланган экан, буни фақат фуқароларнинг бехабарлиги ёки ўз вақтида мурожаат қилмагани билан изоҳлаш етарли эмас. **Шу ўринда чиқиндиларни бошқариш ва сув таъминотига масъул ташкилотлар ҳам маълумотлар нега янгиланмагани, бу каби хатоларнинг олдини олиш учун қандай ишлар қилинаётганига ойдинлик киритиши мақсадга мувофиқ.**

Қўмита коммунал хизматларнинг биллинг тизимларини миграция маълумотлари базалари билан боғлаш, хорижда бир ойдан ортиқ бўлган фуқаролар учун қайтиб келгунига қадар ҳар ойлик қайта ҳисоб-китоб тизимини жорий этиш таклифини билдирган. Бу, албатта, муаммони ҳал этиш йўлидаги муҳим қадам. Аммо унинг амалда қандай ишлаши, хонадонда қолган бошқа оила аъзолари ҳисобга қандай олиниши ҳам пухта ўйланиши керак.

Энг аввало, фуқаронинг ортиқча оворагарчилигига барҳам бериш лозим. Истеъмолчи ҳақидаги маълумотлар мунтазам янгиланса, ҳисобланган тўловлар юзасидан телефон орқали хабарнома юборилса, нотўғри қарздорликни уйдан чиқмасдан қайта кўриб чиқиш имконияти яратилса, кўплаб тушунмовчиликларнинг олди олинади. Қолаверса, фуқароларга коммунал тўловларни қайта ҳисоблатиш тартибини содда ва тушунарли шаклда етказиш ҳам муҳим.

ТАҚДИРЛАР...

Турмуш ташвишлари турфа. Баъзан ёнимизда яшаётган инсонларнинг қандай дард билан умр кечираётганини билмаймиз. Бир қарашда ҳамма хонадон тинч, одамлар бахтлидек туюлади. Аммо ҳар бир эшик ортида ўзига яраша ташвиш, айтилмаган армон, кўзга кўринмас изтироблар яширинган бўлади.

Меҳрга зор икки қалбнинг изтироблари

Меҳринисо РАЗЗОҚОВА, Мирзаобод тумани.

Айрим тақдирларга гувоҳ бўласиз-у, юрагингиз эзилади. Кўлингиздан келса, ўша инсоннинг барча дардини бир зумда аритгингиз келади.

Ўзим ўқитувчиман. Балки, касбим таъсиридандир, инсонларнинг тақдирига, кечинмаларига бефарқ қарай олмайман. Айниқса, атрофимдаги одамларнинг ҳаёти мени доим қизиқтиради. Бундан икки йилча аввал ёнимизга бир ҳарбий оила кўчиб келди. Дастлаб оддий қўшничилик муносабатлари билан бошланган танишувимиз вақт ўтиб самимий суҳбатларга уланиб кетди. Ҳарбийнинг турмуш ўртоғи тез-тез ёнимга чиқадиган бўлди. Соатлаб суҳбатлашардик. Унинг кўзларидаги мунгни сезардим-у, аммо қалбида бунчалик оғир дард яширинганини тасаввур қилмагандим.

Бир куни аёл юрагидаги сирларини менга очди. Маълум бўлишича, у турмуш ўртоғининг учинчи рафиқаси экан. Янги оилага аввалги турмушидан бўлган беш ёшли ўғлини ҳам олиб келган. Дастлаб эри болани яхши қабул қилган. Аммо орадан бир неча ой ўтгач, уни бошқа жойга бериб юборишни талаб қила бошлаган. Аёл оиласини сақлаб қолиш илинжида боласини яқинлари қарамоғига топширишга мажбур бўлган.

Кейинчалик уларнинг қиз фарзанди дунёга келган. Афсуски, чақалоқ кўп яшамай, оламдан ўтган. Шифокорлар унинг вафоти сабабини аниқлай олмаган. Ана шу кундан бошлаб аёлнинг қалбига оғир айбдорлик ҳисси ўрнашиб олган.

Аёлнинг дарди шу билан тугамаган. Турмуш ўртоғининг совуқ муносабати, ҳақоратлари, ҳатто қўл кўтаришлари унинг ҳаётини янада оғирлаштирган. Орада яна бир ўғил фарзандли бўлишган. Энди эса “Кетсам, бу болам ҳам отасиз қоладими?”, деган хавотир уни қийнайди. Қолай деса, тазйиқлардан чарчаган. Борадиган бошпанаси ҳам йўқ. Шу тариқа умри икки ўт орасида ўтмоқда.

Қаршимда ўтирган аёлга қараб, англадимки, инсон баъзан тирик бўла туриб, қалбан минг бор синаркан. Унинг дардига оддий тасалли камлик қилишини сездим. Шу боис ўзим таниган тажрибали психолог ҳузурига олиб бордим. Уч ой давомида унинг ҳолатини кузатдик. Ўзини тиклаши осон бўлмади. Аммо аста-секин кўнглидаги оғирликни енгишга, ҳаётига умид билан қарашга ҳаракат қила бошлади. Энг муҳими, қизалоғининг ўлимида ўзини айбламаслиги кераклигини тушуниб борди.



Гарчи бу оилага бегона бўлсак-да, аёлнинг турмуш ўртоғи билан ҳам суҳбатлашиб, она ва боланинг бир-бирига нақадар зор эканини тушунтиришга ҳаракат қилдик. Ниҳоят, унинг фарзанди билан кўришиб туришига розилигини олдик.

Мен ўша аёлнинг барча муаммоларини ҳал қилиб бера олмадим. Аммо унинг оғир дамларида ёнида бўлишга, руҳий мадад топишига кўмаклашдим. Шундан кўнглим таскин топди. Халқимиз азалдан меҳр-оқибат, инсонпарварлик, қўшнининг ҳолидан хабар олиш каби эзгу фазилатларни қадрлаб келган. Бировнинг оғир кунида шерик бўлиш, кўнгли ярим инсонни ёлғиз қолдирмаслик ҳам ана шу қадриятларнинг ифодасидир.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

СЎЗЛАРДА МАЪНО БОР, МАЪНОДА ФИКРАТ...

Халқимиз орасида шундай иборалар борки, уларни ҳар куни ишлатмасак-да, мазмунини англаганимизда ҳаётнинг турли ҳақиқатларини кўргандек бўламиз. “Бировнинг ёғига нон ботирмоқ” ҳам ана шундай иборалардан бири.

БИРОВНИНГ ҲИСОБИДАН ЯШАШ — ОДАТМИ ЁКИ МАНФААТ?

Бу ибора ўзгаларнинг меҳнати, маблағи ёки имкониятидан фойдаланиб, ўзи деярли куч сарфламай манфаат кўришга одатланган кишиларга нисбатан ишлатилади. Ахир ёғли нон ейишнинг гашти бор, аммо ёғни топиш, дастурхонга қўйиш учун кимдир меҳнат қилиши керак-ку! Биров тандир бошида тер тўкса-ю, бошқаси келиб, иссиқ нонни ёғга ботириб ўтирса, бунинг нимаси адолат?

Бироқ бу иборани ҳар қандай ёрдамга муҳтож одамга нисбатан қўллаш ҳам тўғри эмас. Бугун бировга ёрдам берган инсон эртага ўзи ёрдамга муҳтож бўлиши мумкин. Яқин инсонларга кўмаклашиш, дўстнинг оғирини енгил қилиш — инсонийлик. Гап ёрдам олишда эмас, бировнинг саховатини бурч, деб билиб, унинг меҳнатини қадрламасликда.

Халқона иборанинг тагидаги ҳикмат ҳам шунда: бировнинг дастурхонига меҳмон бўлиш айб эмас, аммо умр бўйи меҳмон бўлиб, бир кун ҳам мезбон бўлишни ўйламаслик — мулоҳазага арзийдиган ҳолат. Зеро, бировнинг ёғига ботирилган ноннинг мазаси оғизда қолиши мумкин, аммо унинг ортидаги меҳнатни унутмаслик виждоннинг иши.

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Азалдан халқимизда “Ҳовли олма, қўшни ол”, деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Чунки қўшничилик шунчаки ёнма-ён яшаш эмас, балки бир-бирининг ҳолидан хабар олиш, қувончу ташвишига шерик бўлиш, энг муҳими, ўзаро ҳурмат ва андишани сақлаш демакдир.

Уйингиз қўшнингиз ҳовлисига соя солмаяптими?..

Ота-боболаримиз уй қуришда ҳам шу қадриятларга амал қилган. Имо-ратнинг баландлиги, дераза ва эшикларнинг қайси томонга қараши, қўшни ҳовлига соя тушмаслиги каби жиҳатлар эътибордан четда қолмаган. Бугун эса айрим жойларда бу оддий, аммо муҳим қоидалар унутилаётгандек...

Аслида, бу борада ҳам аниқ қоида ва тартиблар белгиланган. Хусусан, “Ўзбекистон аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш бўйича санитария қоидалари ва нормалари”га асосан, ҳовли-жойларда қуриш мумкин бўлган уйларнинг баландлиги 2 қаватдан (ер усти қавати) ва умумий баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ошмаслиги керак.



Худди шундай, уйингиз қўшнининг ҳовлисига соя ташламаслиги, қуёш тушиш меъёрларини бузмаслиги ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаши учун уйнинг баландлигига қараб масофа сақланиши шарт. Уйнинг асосий деворидан қўшнининг чегарасигача (панжарагача) бўлган масофа камида 3 метр бўлиши керак. Сизнинг уйингиз деразасидан қўшнининг яшаш уйи, хўжалик биноси ёки ҳаммоми деворигача бўлган масофа камида 6 метр бўлиши зарур.

Кўриниб турибдики, агар сиз баландлиги ер юзасидан 12 метргача ва икки қаватдан ошмайдиган якка тартибдаги уй-жой қурсангиз, шаҳарсозлик меъёрларига тўлиқ риоя қилган тақдирингизда, қўшнилардан расмий рухсат ёки розилик хати олиш талаб этилмайди. Яъни, белгиланган талаблар доирасида бундай иморат қуришга қонунан тўсиқ йўқ.

Аммо қонун рухсат берган имконият билан қўшничилик одоби ўртасидаги чегара қаердан ўтади? Ўз ҳовлисида иморат қуриш ҳуқуқи инсонга қўшни хонадоннинг осойишталигига таъсир кўрсатиш имконини ҳам берадими? Агар янги қурилган уйнинг юқори қаватидаги деразадан қўшнининг ҳовлиси тўлиқ кўриниб турса, унинг оиласи ўз ҳовлисида ҳам эркин дам олишдан тортиниб яшаса, бундай ҳолатни фақат қурилиш меъёрлари нуқтаи назаридан баҳолашнинг ўзи кифоями?

Ахир, ота-боболаримиз уй қуришда фақат ўз манфаатини эмас, қўшнисининг шароити ва хотиржамлигини ҳам ўйлаган. Бугун эса қонуний ҳуқуқдан фойдаланишда ана шу андиша ва масъулият қай даражада намоён бўлмоқда?

Давлат белгилаган меъёрлар қурилишнинг техник чегараларини аниқ кўрсатиб бериши мумкин. Лекин қўшничилик одоби ана шу талабларга амал қилиш баробарида ўзганинг хотиржамлиги, шахсий ҳаёти ва манфаатларига ҳам ҳурмат билан қарашни тақозо этади. Шу боис қурилишда бинолар орасидаги масофа, қуёш нурининг тушиши, деразаларнинг жойлашуви ва хавфсизлик талабларига риоя этиш билан бирга, азалий қўшничилик қадриятларини ҳам унутмаслик зарур.

Қонун рухсат берган имкониятдан фойдаланиш билан ўзганинг ҳақ-ҳуқуқини ҳурмат қилиш бир-бирига қарама-қарши тушунчалар эмас. Аксинча, ҳақиқий қурилиш маданияти шу икки мезоннинг уйғунлигида намоён бўлади. Чунки уй қуришдан мақсад фақат ўз яшаш шароитини яхшилаш эмас, балки кейин ҳам қўшнилар билан юз кўришиб, бир кўчада, бир маҳаллада осойишта яшай олишдир. Давлат стандарти қурилишга йўл очиши мумкин, аммо ўзаро ҳурмат ва андишани асраш ҳар бир инсоннинг ўз виждони ва масъулиятига боғлиқ.

Хўш, давлат белгилаган қурилиш талаблари ва халқимизнинг азалий қўшничилик анъаналарини амалда қандай уйғунлаштириш мумкин? Бунинг учун, аввало, қурилиш маданиятини фақат бинонинг мустаҳкамлиги, баландлиги ва хавфсизлиги билан ўлчамасдан, унинг атрофдаги хонадонлар ҳаётига таъсирини ҳам ҳисобга оладиган ёндашувни ривожлантириш зарур. Якка тартибдаги уй-жойларни лойиҳалашда қўшни ҳовлиларнинг дахлсизлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Масалан, юқори қаватдаги дераза ва айвонларнинг жойлашувини белгилашда уларнинг қўшни ҳовлини тўғридан-тўғри кўриш имконияти ҳам ҳисобга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, амалдаги қурилиш меъёрларини қўшничилик қадриятлари билан уйғунлаштириш мақсадида якка тартибдаги уй-жойлар учун тавсиявий меъморий ечимлар тўпламини ишлаб чиқиш фойда беради. Қурилиш маданиятига оид тушунтириш ишларини ҳам фақат қонун талабларини баён қилиш билан чекламаслик керак. Энг муҳими, қурилишга оид меъёрлар ва қўшничилик қадриятларига ўзаро иноқликда яшаш муҳитини яратишга хизмат қилувчи мезон сифатида қараш зарур.

Зеро, замонавий қурилиш маданияти — фақат баланд ва чиройли иморатлар барпо этишни англатмайди. У инсоннинг ўз ҳуқуқидан фойдаланар экан, атрофдагилар учун ҳам муносиб яшаш шароитини сақлаб қолишга интилишида намоён бўлади.



“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ГА томорқа, иссиқхона, тикувчилик, оилавий тадбиркорликка оид 7 та янги ёрдам ва хизмат тури қўшилди.



ГУЛНОРА ДИЛШОДБЕКОВА велосипедда рулга қўл тегизмасдан 31,6 километр масофани босиб ўтиб, Гиннеснинг рекордлар китобига кирди.



МАҲАЛЛАЛАРДА ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ ОЙЛАРИДА 34 минг 638 та оиладаги низо бартараф этилди, 8,7 мингдан ортиқ оиланинг қонуний никоҳи расмийлаштирилди.

ҲИДОЯТ БЕКАТИ

Равшан ҚОБИЛОВ.
Тошкент шаҳри:

— Агар буюртма белгиланган муддатда етиб келмаса, етказиб берувчидан хизмат бепул бўлади, деб шарт қўйишим мумкинми?

ЕТКАЗИБ БЕРИШ КЕЧИКСА, НАРХИ АРЗОНЛАЙДИМИ?



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Динимиз асосларидан бири ҳақ эгаларига ҳақларини тўлиқ адо этишдан иборат. Ишга ёлланган хизматчи ҳақини тўлашлик ҳам ана шундай адо этилиши шарт бўлган жиҳатлардандир. Чунки ишчига ҳақ бермай ишлатиш зулм ҳисобланади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар: **“Аллоҳ таоло айтади: “Қиёмат куни уч кишига: менинг номим билан ваъда бериб, хиёнат қилган; ҳур одамни сотиб, пулини еган; ишчи ишлатиб, ундан тўлиқ фойдаланиб, ҳақини бермаганларга хусуматчи бўламан”** (Имом Бухорий ривояти).

Етказиб берувчи ҳам буюртма асосида маҳсулотни етказиб берадиган ишчи ҳисобланади. Ишни бажаришда кечиккани учун унга ҳақ тўламаслик орқали уни ҳақидан мосуво қилиш асло мумкин эмас. Агар ҳақнинг бир қисмини камайтириш шарт қилинса, масалан, шунча вақтда олиб келсангиз, 50 минг сўм, ундан узоқ вақтда олиб келсангиз, 30 минг сўм бераман деса ва етказувчи ҳам рози бўлса, бу келишув жоиз ҳисобланади.

Бундан ташқари, агар етказиб берувчи буни ўзи шарт қилса, яъни “шунча вақтда етказиб бера олмасам, пул олмайман”, деса, бу ҳам жоиздир. Бунда етказувчи ўз ҳақидан воз кечаётган бўлади.

...Аёлнинг қўлида чамадон, кўнглида ҳаяжон: “яхши маош тўланади”, “ишинг тайин”, “ўқишга киритиб қўямиз”, деган ваъдалар унга янги имконият эшигидек кўринади. Аммо баъзан шу эшик ортида инсон эркинлиги, қадр-қиммати ва ҳаётига таҳдид солувчи хавфлар яширин экани сезилмайди.

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА,
“Mahalla” мухбири.

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС



ИШОНЧ ВА ОРЗУ ОРТИДАГИ ХАВФ

Хатар ҳеч қачон бегона одамдан келмайди

Бу воқеадаги энг оғриқли жиҳатлардан бири — аёлни хавфга олиб кирган инсон унинг қариндоши эди. Демак, хатар ҳар доим ҳам бегона одамдан келмайди.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларида ишлаш мақсадида хорижга кетаётган аёллар кўрсаткичи 2025 йилда 2,6 минг нафарни ташкил этган. **Хўш, аёлларни хорижда ишлашга қайси сабаблар ундаяпти?**

Энг аввало, иқтисодий эҳтиёж. Оиладаги даромад кундалик харажатлардан ортмаса, фарзандларни ўқитиш, уй-жойли бўлиш, даволаниш ёки кредит тўловларини қоплаш учун қўшимча маблағ талаб этилади. Айрим ҳудудларда аёлларнинг касбига мос иш ўринлари кам, мавжудларидаги маош эса эҳтиёжни қоплашга етмайди.

Айрим оналар фарзандларини ёлғиз тарбиялаётгани, оила боқувчисидан айрилгани ёки яқинларини моддий қўллаб-қувватлашга мажбурлиги учун хорижга йўл олади. Бошқалар эса мустақил даромад топиш, янги касб ўрганиш ва ўз имкониятларини кенгайтиришни истайди.

Хорижда ишлашнинг ўзи салбий ҳолат эмас. Муаммо меҳнатга муносиб ҳақ тўланмаслиги, шартномадаги талабларга амал қилинмаслиги, таҳдид ва мажбурлаш ҳолатларида намоён бўлади. Шу боис аёллар учун қонуний, хавфсиз ва муносиб иш шароитини танлаш ҳам муҳим.

ЁЛҒОН ВАЪДА САБАБ ЙЎҚОТИЛГАН ЙИЛЛАР

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Одам савдосига қарши курашиш бўйича маркази директори ўринбосари Дилфуза Шодиева сўзлаб берган воқеа бунга бир мисол. Унинг маълум қилишича, ўзбекистонлик аёл қариндошининг энага бўлиб ишлаш ҳақидаги ваъдасига ишониб, Туркияга олиб кетилган ва сотиб юборилган. У саккиз йил давомида ертўлада сақланган ва зўравонликка дуч келган. Аёл у ерда икки фарзандли бўлган, бироқ болаларининг ҳужжатлари ҳам мавжуд эмас эди. Қаршилик кўрсатганида, фарзанди орқали унга босим ўтказилган.

Туркиядаги полиция тадбири давомида аниқланган аёл Халқаро миграция ташкилоти кўмагида Ўзбекистонга қайтарилганида вазни атиги 32 килограммга тушиб қолган эди.

Ватанга қайтиш унинг азоблари дарҳол тугади, дегани эмас. Марказ вакилининг айтишича, аёл ва болалари билан алоҳида иш олиб борилган, у олти ой давомида психолог, психотерапевт ва психиатр кўригидан ўтказилган. Аёлнинг узоқ вақт бедарак кетгани туфайли ота-онаси вафот этган, бу эса унинг руҳий изтиробларини янада оғирлаштирган. Болаларининг ривожланишидаги кечикишлар билан ишлаш, уларни боғчага жойлаштириш ва ҳужжатларини тиклаш чоралари кўрилган.

ЎҚИШ УМИДИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЗЎРАВОНЛИККА АЙЛАНДИ?

Яна бир ҳолатда Туркияга ўқиш баҳонасида олиб борилган 17 ёшли ўзбекистонлик қиз мажбурий никоҳга ундаш ва жисмоний зўравонликка дуч келган. Қиз Ўзбекистоннинг Истанбулдаги Бош консулхонасига мурожаат қилгач, унга адвокатлар жалб этилган ҳолда ҳуқуқий ёрдам кўрсатилган. Кейинчалик у Миграция жамғармаси маблағлари ҳисобидан Ватанга қайтарилган.

Бу ҳолат меҳнат миграцияси билан бир қаторда таълим мақсадида хорижга кетаётган ёшларнинг хавфсизлигига ҳам жиддий эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади. Айниқса, ота-онанинг ҳушёрлиги, ўқиш муассасаси ва таклифнинг ҳақиқийлигини текшириш, яшаш манзили ҳамда масъул шахслар ҳақида ишончли маълумотга эга бўлиш муҳим.

ХАВФНИ КАМАЙТИРИШ МУМКИНМИ?

Мазкур йўналишдаги ишларни янада кучайтириш учун бир неча масалага эътибор қаратиш зарур. Хусусан, хорижга ишга ёки ўқишга кетаётган ҳар бир инсонга таклифнинг ҳақиқийлигини текширишни ўргатиш керак.

Қолаверса, аёлларнинг касбий тайёргарлиги ва тил билиш даражасини ошириш муҳим. Бу уларнинг иш танлаш имкониятини кенгайтиради, меҳнат шартларини тушуниш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ёрдам беради.

Бундан ташқари, маҳаллаларда тушунтириш ишларини кучайтириш зарур. Хорижга кетишга тайёрланаётган аёллар билан суҳбатларда фақат хавфлар санаб ўтмасдан, уларни текшириш усуллари, мурожаат қилиш манзиллари ва ҳуқуқий ҳимоя имкониятлари ҳақида маълумот бериш керак.

Энг муҳими, юртимизда аёллар учун муносиб даромад келтирадиган иш ўринларини кўпайтириш зарур. Касаначилик, тикувчилик, хизмат кўрсатиш, кичик ишлаб чиқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий қийинчилик сабаб хорижга чиқишга мажбур бўлаётганлар учун муқобил имкониятлар яратиш мумкин.

Чунки чамадон ичида кийим-кечак ва ҳужжатлар бўлиши мумкин, аммо уни кўтариб йўлга чиққан аёлнинг қалбида оиласига бўлган меҳр, фарзандлари келажагига ишонч ва яхши ҳаётга умид бор. Жамиятнинг вазифаси шу умидни асраш, уни алдов ва зўравонлик қурбонига айлантирмасликдир.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

Баъзан инсоннинг қандай қадриятга эга эканини билиш учун унинг узоқ йиллик фаолиятини ўрганиш шарт эмас. Кутилмаган бир вазият, қилинган оддий бир танлов унинг маънавий қиёфасини намоён этади. Самолётда бегона инсон ҳаётини сақлаб қолишга интилган шифокор ва метро бекатида топилган 10 минг АҚШ долларининг эгасига қайтарилишига ёрдам берган аёл воқеаси бунга мисол бўла олади.

Инсонийлик — танлов орасидаги виждон овози

Марям САЛИМЗОДА, журналист.

ИНСОН ҲАЁТИ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

11 октябрь куни Тошкентдан Сеулга учаётган рейсда йўловчи аёлнинг аҳволи кескин ёмонлашади. Унинг танаси кўкариб, совиб кетган, қон босими ва пульси аниқланмаган эди. Шундай оғир вазиятда йўловчилар орасидан ўзбекистонлик шифокор Ҳасан Комилов чиқиб, аёлга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатади. Тиббий муолажалардан кейин бемор ўзига кела бошлайди.

Бу воқеанинг аҳамиятини фақат шифокорнинг касбий маҳорати билан изоҳлаш камлик қилади. Чунки билим ва тажриба билан бирга, инсон ҳаёти учун масъулиятни ҳам талаб этади. Айниқса, одатий иш муҳитидан ташқарида, зарур тиббий шароитлар чекланган вазиятда тез ва тўғри қарор қабул қилиш осон эмас.

Ҳасан Комиловнинг ҳаракати касбий бурчнинг инсонпарварлик билан уйғунлашганини кўрсатади. Унинг олдида турган бемор бошқа мамлакат фуқароси эди. Аммо бу ҳолат ёрдам бериш заруратини ўзгартирмади. Чунки инсон ҳаётининг қадри унинг миллати, тили ёки ижтимоий мавқеи билан белгиланмайди.

Шифокорнинг “Бу ҳолат шифокор учун қаҳрамонлик эмас, бу бизнинг ҳар куни қилаётган машаққатли меҳнатимиз”, деган фикрида ҳам чуқур маъно бор. У ўз ҳаракатини касбий масъулиятининг табиий давоми, деб билади. Аслида, жамият учун энг зарур фазилатлардан бири ҳам шу — ўз вазифасини фақат мажбурият сифатида эмас, инсонлар олдидаги масъулият, деб англашдан иборат.

Воқеадаги яна бир жиҳат эътиборга лойиқ. Ёрдам фақат шифокорнинг ҳаракати билан чекланиб қолмади. Самолётдаги бошқа йўловчилар сув, ширинлик, ёстиқ ва кўрпаларини таклиф қилди, борт кузатувчилари ҳам кўмаклашди. Ҳар ким имкониятидан келиб чиқиб, умумий мақсадга ҳисса қўшди.



Бу — ҳамжиҳатликнинг амалий кўриниши. Инсон ҳаёти хавф остида турганида унинг дардига бефарқ бўлмаслик, имконият доирасида ёрдам бериш жамиятдаги ўзаро ишончни мустаҳкамлайди. Баъзан бир инсоннинг билими ҳал қилувчи аҳамият касб этса, бошқаларнинг ҳамжиҳатлиги шу ёрдамнинг самарали бўлишига кўмаклашади.


ҲАЛОЛЛИК СИНОВИ

Тошкент метрополитенининг Сергели бекатида содир бўлган воқеа эса инсонийликнинг бошқа бир қиррасини очиб беради. 4 октябрь куни йўловчининг сумкасидан 10 минг АҚШ доллари тушиб қолади. Орадан бир неча дақиқа ўтиб, бир аёл пулларни топиб олиб, хавфсизлик хизмати ходимларига топширади. Натижада маблағ қонуний эгасига қайтарилади. Маълум бўлишича, пул эгаси Қозоғистон фуқароси бўлиб, автомобиль сотиб олиш учун машина бозорига кетаётган экан.

Ҳалоллик кўпинча инсоннинг назорат остида бўлганида эмас, балки унинг хатти-ҳаракатини ҳеч ким кузатмаётгандек туюлган пайтда намоён бўлади. Топилган пулни ўзлаштириб олиш имконияти пайдо бўлганда ҳам ўзганинг ҳақига хиёнат қилмаслик — ички эътиқод ва виждонга содиқ қолишдир.

Бугун одамлар орасида меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва ҳалолликни мустаҳкамлаш ҳақида гапирганда, бундай воқеаларнинг моҳиятини теран англамоқ муҳим. Улар фақат алоҳида инсонларнинг яхши ишлари эмас, балки жамият умумий маънавий қиёфаси сифатида намоён бўлади.

Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.



БАРЧАСИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСИДАН БОШЛАНГАН...

Ғалаба дегани, бу — катта йўлнинг якуни эмас...

Эндигина 3-синфда ўқийдиган болакай “Келажакдаги касбим” мавзусидаги расм чизиш топшириғидан кейин бир муддат ўзини турли соҳаларда тасаввур қилиб кўрди. Ич-ичидан янгилик яратишга, ўзига хос ихтиролар қилишга қизиқадиган Иброҳимнинг кўз ўнгида лабораторияда робот ясаётган ҳолати гавдаланди. Ҳеч иккиланмай, хаёлидаги ғояни қоғозда тасвирлади.

Шаҳноза АКБАРАЛИЕВА, журналист.

Кейинчалик бу иштиёқ кўлами кенгая бошлади. Шу йўналишга оид фильмлар, видеолавҳалар томоша қилиш орқали янгидан-янги фикрлар уйғонди. Ундаги қизиқишни пайқаган ота-онаси ўғлининг иқтидорини эътибордан четда қолдирмади.

Иброҳим биринчи марта ўз қўллари билан электр қайиқ ясаганида эндигина 11 ёшда эди. Шундан сўнг ўзи интилиб, ҳаракат қилиб, айни шу йўналишда дарс берадиган тўгаракка ёзилди. Устозидан олган сабоқлар асосида кичик самолёт моделини яратди. У ҳар бир ихтиросидан ўзгача завқ туярди.

Қаҳрамонимиз янги лойиҳалар устида ишлаш билан бирга, ўқиш ва изланишдан ҳам тўхтамади. Катта синов ва имтиҳонлардан кейин Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослашган мактабга қабул қилинди. Бу ердаги соҳанинг етук мутахассислардан олинган билим эса бугунга келиб ўз мевасини беряпти.



Яқинда Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳрида ўтказилган “FIRST Global Challenge” халқаро робототехника мусобақасида Иброҳим Саломов Ўзбекистон терма жамоаси сардори сифатида иштирок этди. Қарийб 190 мамлакат ёшлари қатнашган ушбу беллашувда ғалаба қозониш — жамоа аъзоларининг билимлари, муҳандислик кўникмалари ва ҳамжиҳатликда ишлай олиш қобилияти натижасидир.

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРИ

*— Иброҳим Саломовнинг ютуқлари нафақат оиласи, балки бутун маҳалламиз учун катта фахр, **— дейди Мирзо Улуғбек туманидаги “Шўртепа” маҳалласи раиси Холхўжа Марханов.** — Унинг ёшлигидан илм-фанга, техника ва ихтирочиликка қизиқиб, изланишдан тўхтамагани бошқа ёшларимизга ҳам ибрат бўлади. Айниқса, халқаро робототехника мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси сардори сифатида иштирок этиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилгани таҳсинга сазовор.*

Ишонаманки, Иброҳим келгусида ҳам янги ихтиролари, илмий изланишлари билан юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшади. Зеро, бугун роботлар яратишга қизиққан бола эртага мамлакатимиз илм-фани ва технологиялари ривожига хизмат қиладиган етук муҳандис бўлиб етишиши мумкин.

2026 йил 13 октябрда Президент фармонига мувофиқ, Иброҳим Саломов “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирланди. Бу эътироф жамоанинг халқаро майдондаги ютуғи, замонавий муҳандислик соҳасидаги салоҳияти ҳамда ёшларни илм-фан ва инновацияларга жалб этишга қўшаётган ҳиссасига берилган баҳодир.

Албатта, бир мусобақадаги ғалаба катта йўлнинг якуни эмас. Аксинча, у янги изланишлар, янада мураккаб лойиҳалар ва юксак мақсадлар учун туртки бўлиши мумкин. Иброҳим Саломов каби ёшларнинг ютуқлари эса илмга қизиққан ҳар бир тенгдошига муҳим фикрни эслатади: катта натижаларга эришиш учун қизиқишни билим билан, билимни эса изчил меҳнат билан мустаҳкамлаш керак.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар: Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ
Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами: А2, 4 б.т.
8 309 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1020